

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 6.01+330.3(575.1)

Хамидов Расул Таваккалович

**Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицион жараёнлар
самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари**

5А 340101- “Иқтисодий назария” мутахассислиги бўйича

**магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц. Ғафуров У.В.**

Тошкент - 2012

Магистрлик диссертация иши “Иқтисодиёт назарияси” кафедрасида
дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____сонли баённома “_____” _____2012 й.

Илмий раҳбар: _____
Ф.И.Ш. _____имзо _____сана

Магистр: _____
Ф.И.Ш. _____имзо _____сана

Мундарижа

Кириш.....	3
1-боб. Инвестицион жараённинг иқтисодий мазмуни ва унинг самарадорлигини таъминлашнинг назарий-услубий асослари	8
1.1. Инвестицион жараённинг моҳияти ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тутган ўрни.....	8
1.2. Инвестицияларнинг таснифи, молиялаштириш манбалари ва йўналишлари.....	20
1.3. Инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг услубий масалалари.....	32
Биринчи боб бўйича хулоса.....	40
2-боб. Бозор ислохотларини янада чуқурлаштиришда инвестиция жараёнларининг самарадорлиги таҳлили.....	42
2.1. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	42
2.2. Инвестициялар соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва натижалари	49
2.3. Мамлакатимизда инвестицион самарадорликни таҳлилий баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	63
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	69
3-боб. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестиция жараёнларининг самарадорлигини оширишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.....	71
3.1. Қулай инвестиция муҳити – инвестициялар самарадорлигини оширишнинг муҳим омили	71
3.2. Инвестициялар самарадорлигини оширишда жаҳон амалиёти ва илғор чет эл тажрибаларидан фойдаланиш.....	78
3.3. Қимматли қўғозлар бозори ва лизинг хизматларининг ривожини – инвестиция жараёнларини фаоллаштиришнинг таъсирчан йўналиши	83
Учинчи боб бўйича хулоса.....	89
Хулоса ва таклифлар.....	91
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	94

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, жамиятда ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишнинг энг муҳим ва бирламчи манбаи инвестициялар бўлиб ҳисобланади. Инвестициялар эвазига ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва бошқа иқтисодий ресурслар фаоллашади. Ўз навбатида инвестициялар ҳам иқтисодий ресурслар ҳисобланиб, уларни молиялаштириш манбалари чекланган. Шунга кўра, инвестицияларнинг миқдори билан бирга, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, инвестицион жараёнлар ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши масалаларини ўрганиш иқтисодий тадқиқотларнинг долзарб муаммоларига айланган. Айниқса, бозор муносабатларининг чуқурлашиб бориши ҳамда кўпчилик мамлакатлар иқтисодиётини ҳали ҳанузгача ларзага солиб турган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида инвестицион жараёнларни фаоллаштириш, молиялаштириш манбаларини кенгайтириш, улардан самарали йўналишларда фойдаланиш ҳамда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш сингари муаммолар тадқиқот талаб мавзулар қаторидан жой олмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш ҳамда Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда инвестициялар муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Президентимиз И.А. Каримов ҳам ҳар жиҳатдан асосланган ҳолда, “Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди”¹, - дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, айтиш мумкинки, бу билан инвестицияларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрни бирламчи омил эканлиги яна бир бора ўз ифодасини топади.

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган турли беқарорлик

¹Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”// “Халқ сўзи” газетаси, №21, 2010 йил 30 январь.

ҳолатларига қарамасдан, мамлакатимизда эришилаётган барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий бўлишига оқилона амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотлар, жумладан, фаол инвестиция сиёсатининг олиб борилаётгани муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

“2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради”².

Иқтисодиётда инвестиция жараёнларининг фаоллашиб бориши билан бевосита иқтисодий муносабатлар ҳам фаоллашиб боради ва ушбу ҳолатнинг самараси ўлароқ, иқтисодиётда ижобий силжишлар рўй бериб, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг рақобатдошлиги мустаҳкамланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда инвестициялар, хусусан, инвестициялар самарадорлигини ошириш, инвестициялар таҳлили сингари муаммолар иқтисодий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Ушбу соҳада иқтисодий тадқиқотлар олиб борган бир қатор хорижий олимларни санаб ўтишимиз мумкин, жумладан, Гитман Л.Д., Джонк М.Д., Гуртов В.К., Деева А.И., Игоница Л.Л., Липсиц И.В., Коссов В.В., Николаев М.А., Сухарев О.С., Шманев С.В., Курьянов А.М., Царев В.В., Шарп У.Ф., Александер Г.Д., Бейли Д.В. каби иқтисодчи олимлар илмий тадқиқот ишларида ушбу мавзу доирасидаги муаммолар тадқиқ қилинган.

Мамлакатимиздаги иқтисодчи олимлар қаторида Ғозибеков Д.Ғ., Маҳмудов Н.М., Маджидов Ш.А., Имомов Х.Х, Юлдашев Р.З., Шодмонов

² Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.”//”Халқ сўзи” газетаси, №14, 2012 йил 20 январь

Ш.Ш., Ғафуров У.В., Шоҳаъзамий Ш.Ш., Рашидов О.Ю., Қурбонов Х.А., Қосимов М.С., Самархўжаев Б.Б., Кенжаев Н.И. ва бошқа олимлар тадқиқотларида инвестициялар мавзуси алоҳида ўринга эга.

Тадқиқотнинг мақсади. Юқорида баён қилинган магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда иқтисодий-иқтисодий модернизация қилиш шароитида инвестиция жараёнларини янада фаоллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари ва йўлларининг назарий ҳамда амалий жиҳатларини чуқур ўрганиб, тегишли илмий таклифлар ишлаб чиқиш ишнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришишда магистрлик диссертацияси мавзуси доирасида куйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилаб олинди:

- инвестицион жараённинг моҳияти ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тутган ўрнини ўрганиш;
- инвестицияларнинг таснифи, молиялаштириш манбалари ва жойлаштириш йўналишларини ўрганиш;
- инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг услубий масалаларини атрофлича ёритиб бериш;
- Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва уларнинг ўзига хос афзалликларини таҳлилий кўриб чиқиш;
- мамлакатимизда инвестициялар соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва эришилган амалий натижаларни таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда инвестицион самарадорликни таҳлилий баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш;
- инвестициялар самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланган қулай инвестиция муҳитини таъминлаш шарт-шароитларини илгари суриш;
- инвестициялар самарадорлигини оширишда жаҳон амалиёти ва илғор чет эл тажрибаларидан фойдаланиш имкониятларини тадқиқ қилиш;

– мамлакатимизда инвестиция жараёнларини фаоллаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида қимматли қоғозлар бозори ва лизинг хизматларини ривожлантириш истиқболларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ва мамлакатдаги инвестиция жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикасида инвестиция жараёнларидаги ижобий натижалар, мавжуд муаммолар ва истиқболли йўналишлардан иборат.

Тадқиқот услублари. Таҳлил жараёнида тадқиқ этишнинг математик, статистик, таҳлил ва синтез, гуруҳлаш ва киёсий усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг асар ва маърузалари, бир қатор иқтисодчи олимларнинг инвестициялар ва уларнинг самарадорлигини ошириш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқот ишлари ва адабиётлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва статистик таҳлилий материаллардан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

– инвестиция ва инвестиция жараёнининг иқтисодий мазмуни ва унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тутган ўрнини батафсил ёритиб беришга ҳаракат қилинган;

– инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг асосий усуллари илмий-амалий жиҳатдан ўрганилган;

– Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари батафсил ўрганилган;

– мамлакатимизда инвестициялар соҳасида эришилган амалий натижалар статистик маълумотларга таянган ҳолда таҳлил қилинган;

– мамлакатимизда инвестицион самарадорликни таҳлил қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган;

– қулай инвестиция муҳитини таъминлаш масалалари ҳар томонлама чуқур ўрганилган;

– инвестициялар соҳасида жаҳон амалиёти таҳлил қилинган ва илғор чет эл тажрибаларини татбиқ қилиш имкониятлари илгари сурилган;

– инвестиция жараёнларини янада жадаллаштириш йўналишида қимматли қоғозлар ва лизинг механизмидан фойдаланишни кенгайтириш истиқболлари тадқиқ қилинган.

Тадқиқот мавзуси юзасидан чоп қилинган мақола ва тезислар.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида мутаносибликни таъминлашнинг асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами (2011 йил 6 октябрь, Т.:ТДИУ, 2011.-184 б.)да “Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида инвестицион жараёнларнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари” мавзусида ҳамда Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини юксалтириш йўллари: ютуқлар, муаммолар ва истиқболлар: магистратура талабаларининг илмий-амалий анжумани тезислар тўплами (2-қисм, 2012 йил 24 апрель, Т.:Иқтисодиёт, 2012-288 б.)да “Мамлакатимизда инвестицион фаолликни таъминлаш масалалари” мавзусида тезислар чоп қилинган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда асосланган ва умумлаштирилган назарий хулосалар ва амалий тавсиялардан инвестицияларни амалга ошириш йўналишларини белгилашда ҳамда ўқув курсларида мавзуга оид ўқув дастурлари ва қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Жумладан, “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш”, “Инвестиция лойиҳалари таҳлили”, “Корхона иқтисодиёти” сингари фанлардан тегишли ўқув қўлланмалар, амалий машғулотлар олиб бориш учун материаллар тайёрлашда қўлланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши кириш, мавзунинг асосий мазмунини ифодаловчи 3 та боб ва ҳар бир боб бўйича хулоса, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация иши мавзусини ёритишда жами 17 та расм ва 6 та жадвалдан фойдаланилди.

1-БОБ. ИНВЕСТИЦИОН ЖАРАЁННИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ- УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Инвестицион жараённинг моҳияти ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тутган ўрни

Инвестицион жараённинг иқтисодий мазмуни ва унинг самарадорлигини таъминлаш муаммоларини тадқиқ қилишда мавзунинг назарий асосларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар қандай илмий тадқиқот назарий асосларининг муҳим таркибий қисмлари каторида қуйидагилар алоҳида ажралиб туради:

- мазкур тадқиқот соҳасида эришилган тажриба ва ютуқлар асосида умумий хулосаларга келиш;
- илмий тадқиқотда кўтарилган муаммо доирасидаги асосий тушунча ва категорияларнинг мазмунини батафсил ёритиб бериш;
- тадқиқот ишида кўтарилган муаммонинг асосий шаклланиш тамойилларини аниқ ифода этиш (ушбу тамойиллар 1.3-параграфда алоҳида кўриб ўтилади);
- зарурий гипотезаларни асослаш³.

Шу жиҳатдан, инвестицион жараёнлар ва уларнинг самарали амалга оширилиши борасидаги ҳолатларнинг концептуал назарий асосларини ўрганиш ҳамда амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилишда юқорида келтирилган мулоҳазага таяниш мавзунини чуқурроқ ёритиш учун замин яратади. Демак, инвестициялар соҳасида кенг қўлланиладиган бир қатор тушунча ва категорияларга, хусусан, инвестиция ва инвестицион жараён тушунчаларининг мазмунига алоҳида урғу бериб, аниқ асослаб бериш мавзунинг назарий жиҳатларини ёритишда муҳим йўналиш ҳисобланади.

³ Царев В.В. «Оценка экономической эффективности инвестиций»//СПб: Питер, 2004г., С.20.

Инвестиция атамаси аслида иқтисодиёт учун янги тушунча бўлиб ҳисобланмай, балки мамлакатимиз иқтисодиётида бозор муносабатларининг қарор топиши билан муомалага кириб келган иқтисодий атамалардан бири бўлиб саналади. Марказлашган режали иқтисодиёт шароитида “ялпи капитал қўйилмалар” тушунчаси қўлланилиб келинган. Бунда албатта, ушбу тушунча доирасида асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришга сарфланган барча капитал харажатлар назарда тутилган. Инвестиция тушунчаси эса бирмунча кенгроқ мазмунга эга бўлиб, ўз ичига реал инвестицияларни (моҳиятига кўра, “капитал қўйилмалар” тушунчасига мазмунан яқин) ва молиявий инвестицияларнинг мазмун моҳиятини қамраб олади.

Иқтисодий фанлар ва амалиёт “инвестиция” ва “капитал қўйилма” тушунчалари айнан бир хил мазмунга эга эмаслигини эътироф этади. Инвестициялар капитал қўйилмага нисбатан кенг мазмунли, қамровли тушунчадир.

Инвестициялар иккита жиҳати бўйича кўриб чиқилади: асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришда қиймат ҳаракатини ифодаловчи жараён сифатида ва иккинчидан, асосий фондларда пул маблағларининг сафарбар қилинишидан то уларнинг қоплангунигача аванслашадиган қиймат ҳаракати билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими тарзидаги иқтисодий категория сифатида⁴.

Замонавий иқтисодиёт назариясида инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва инвестиция муҳитининг моҳиятини ёритиб бериш, уларнинг энг муҳим хусусиятларини тадқиқ қилиш муҳим йўналиш ҳисобланади. Ҳозирда инвестицияларга, шу билан бирга, инвестиция жараёнига аниқ ва тўлақонли таъриф бериш зарурати вужудга келди.

Иқтисодчи олим В.В. Царевнинг фикрича, инвестиция (лотин тилидан келиб чиққан бўлиб, “кийинтираман” таржимасида келади) кўп ҳолларда

⁴ Игонина Л.Л. «Инвестиции» М.:Магистр-2008 г. - С.15.

мамлакат ичида ёки ташқарида иқтисодиётнинг турли тармоқларига капитални узоқ муддатга жойлаштириш мазмунида изоҳланади⁵.

Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, инвестиция атамаси лотинчадан тўғридан-тўғри таржимада “кийинтираман” маъносини англатса, лекин унинг “қўйиш”, “маблағни сафарбар этиш”⁶ мазмунларида ифодаланиши кенг қўлланилади.

Иқтисодий фанларнинг турли йўналишлари ва амалий фаолиятнинг турли соҳаларида инвестиция мазмунини ўрганишда унинг турли жиҳатларига урғу берган ҳолда турлича ёндашилади.

Жумладан, макроиқтисодий миқёсда инвестициялар деганда, миллий иқтисодиётга киритиладиган ялпи капитал харажатлардан ташкил топадиган ҳамда жорий даврда истеъмол қилинмаган ва иқтисодиётда капитал ўсишини таъминловчи ЯИМнинг бир қисми тушунилади.

Иқтисодий назарияда инвестициялар деганда, даставвал, жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга йўналтирилган ресурсларнинг кенг жамланмаси тушунилади.

Ишлаб чиқариш назариясида инвестициялар янги капитални (ишлаб чиқариш воситаларини ҳамда инсон капиталини қўшиб ҳисобланганда) яратиш воситасидир.

Молия назариясида эса инвестиция деганда, бугунги қийматдан воз кечиш эвазига келажакда нисбатан юқорироқ бўлган молиявий натижага эришиш тушунилади.

Мамлакатимиздаги етакчи иқтисодчи олимлар Ш.Ш. Шодмонов ва У.В. Ғафуровлар муаллифлигида ёзилган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида инвестицияларга шундай таъриф берилади, инвестициялар – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва қўпайтиришга, ишлаб чиқариш

⁵ Царев В.В. «Оценка экономической эффективности инвестиций». –СПб; Питер, 2004 г. – С.19.

⁶ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари.-Т.: Молия-2003 йил, 10-бет.

кувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир⁷.

Иқтисодчи олимлар Л.Д. Гитман, М.Д. Джонклар фикрича, инвестиция – бу шундай воситаки, у орқали пулнинг қийматини сақлаш ёки кўпайтириш ва ижобий миқдорда даромад олиши имконини таъминланади⁸.

А.Г. Грязнова ва бошқалар таҳрири остида чоп қилинган «Экономическая теория» ўқув қўлланмасида инвестициялар уч хил жиҳат бўйича ажратилиб ўрганилади, хусусан, инвестициялар (капитал қўйилмалар) – 1) асосий капиталга қўйилма; 2) келгусида муайян даромадга эришиш учун бугунги кунда пул маблағларини сарфлаш; 3) ялпи харажатларнинг таркибий қисми (ёки ялпи талабнинг-АДнинг таркибий қисми)⁹.

Инвестициялар муҳим иқтисодий категориялардан бўлиб, умумий ҳолда инвестициялар деганда келажакда капитал қийматини ўстириш мақсадидаги қўйилмалар тушунилади¹⁰.

Яна бир иқтисодчи олим М.А. Николаев ўзининг «Инвестиционная деятельность» китобида, “инвестиция – бу келгусида бугунги кунга нисбатан юқори истеъмолни таъминлай оладиган даромадга эга бўлиш учун жорий истеъмолнинг муайян қисмидан воз кечишдир”¹¹, деб таъкиблаб ўтади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ, “Инвестициялар - иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлардан иборат”.

Қонунда инвестиция ва инвестицион фаолиятга оид қуйидаги тушунчалар ҳам келтирилган:

⁷ Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. “Иқтисодиёт назарияси”//Дарслик. – Т.: 2010, 347-бет.

⁸ Гитман Л.Д., Джонк М.Д. «Основы инвестирования» перевод с англ. М.: Дело-1997 г.- С.10.

⁹ Экономическая теория. Экспресс курс: учеб.пос./кол.авторов; под ред. А.Г.Грязновой, Н.Н. Дунной, А.Ю.Юданова. -4-е изд., стер.-М.:КНОРУС, 2008 – С. 527.

¹⁰ Николаев М.А., «Инвестиционная деятельность»//М.:Финансы и статистики; Инфра-М-2009, С. 25.

¹¹ Инвестиции: Учебник/А.Ю.Андрианов, С.В. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. Отв.ред. В.В.Ковалев, В.В.Иванов, В.А.Лялин. -2-е изд. Перераб. и доп.-М.:ТК Велби, Проспект, 2008- С.3.

– инвестиция фаолияти - инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи;

– инвестор - ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулкӣ бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни, шунингдек, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти объектларига инвестициялашни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти;

– инвестиция фаолияти иштирокчиси - инвесторнинг буюртмаларни бажарувчи сифатида инвестиция фаолиятини таъминловчи инвестиция фаолияти субъекти;

– реинвестициялар - инвесторнинг фаолияти натижасида олинган фойдани (даромадни) муомалага киритиш¹².

Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ўрганишда Д.Ғ.Ғозибековнинг “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари” китобида келтирилган фикрлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, инвестицияларга таъриф беришда уларнинг турли хатарлар ва кутилаётган даромадлар билан боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган. Инвестиция ана шу хусусиятлари билан бошқа маблағ сарфлаш жараёнларидан фарқланиб туради. Шунингдек, инвестицияларнинг ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатлиги, бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларни онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан боғланишини келтириб ўтади¹³.

Одатда инвестиция иқтисодий ва бошқа фаолият соҳаларига киритиладиган моддий ва номоддий активлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. Инвестициялар капитал қўйилмалар тарзида ҳам амалга оширилиши мумкин, бунда асосий воситаларни шакллантириш ёки уларни кенгайтириш ва янгилашга йўналтирилган капитал сарфлар назарда тутилади.

¹²Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 24 декабрь.

¹³ Ғозибеков Д.Ғ. “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари” Т.: -Молия., 2003 й., 18-б.

Умумий ҳолда, кўриб ўтилган муайян фикр ва мулоҳазалар асосида инвестицияга қуйидагича таъриф бериш унинг моҳиятини батафсилроқ очиб беришга хизмат қилади, деб умид қиламиз. Инвестиция деганда, давлат ва жамият манфаатларига зид бўлмаган, тадбиркорлик ва шу каби фаолият шаклида жисмоний, юридик шахслар ҳамда давлат томонидан муайян иқтисодий ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида ҳамда муайян йўналишга ва муддатга жойлаштириладиган барча турдаги моддий, номоддий ва молиявий сарфлар тушунилади.

Инвестиция жараёни эса турли шакл ва поғонадаги инвестицияларнинг ҳаракат мажмуидан иборатдир. Иқтисодиётда инвестиция жараёнининг амалга ошиши бир қатор шароитларнинг бўлишини тақозо этади, улардан энг муҳимлари қаторида инвестиция муҳитини таъминлай оладиган ресурслар салоҳияти, муайян миқёсда инвестицион жараёнларнинг амалга ошишига хизмат қилувчи иқтисодий субъектларнинг мавжудлиги, инвестиция ресурсларини инвестицион фаолиятга жалб қиладиган механизмларнинг шаклланишини алоҳида келтириб ўтиш мумкин.

Инвестиция жараёни – пул таклиф қилувчилар (вақтинча бўш маблағларга эга бўлганлар)ни пул талаб қилаётганлар (уларга эҳтиёж сезаётганлар) билан учраштириш механизmidир¹⁴.

Л.Л. Игонина ўзининг «Инвестиции» номли дарслигида инвестицион жараён инвестицион ресурсларни шакллантириш, уларни инвестиция объектларига жойлаштириш, инвестициялардан фойдаланиш натижасида даромад олиш ва олинган даромаднинг бир қисmini хўжалик тизиминининг такрор ишлаб чиқарилишини таъминланлашга реинвестициялаш жараёнлари мажмуи сифатида намоён бўлишини илгари суради¹⁵.

Инвестиция жараёни ўз моҳиятига кўра, тадбиркорлик фойдасига эришиш учун асосий ва айланма ишлаб чиқариш капиталини шакллантириш йўли билан муайян вақт оралиғида асосида аҳоли, корхоналар, давлат ва

¹⁴Imomov H.H. "Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish"//O'quv qo'llanma.T.:Iqtisod-moliya, 2005, 32-b.

¹⁵ Игонина Л.Л. «Инвестиции». Учебник 2-е изд. Москва:Магистр-2008 г. С. 49.

бошқа субъектларнинг жамғармаларини жалб қилиш мақсадида амалга ошириладиган молиявий-иқтисодий ҳаракатлар мажмуини ўз ичига олади. Ушбу жараёнда ҳар доим иккита томон иштирок этади: бирламчи инвестор ва корхона. Иқтисодий категория сифатида инвестиция жараёни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш мақсадида инвестицион ресурсларни шакллантириш ва фойдаланиш доирасида иштирокчиларнинг ўзаро муносабатларини ифодалайди.

Макродаражада инвестиция жараёни деганда, жамият миқёсида ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга аҳоли, корхоналар жамғармаларини ва давлат даромадларининг бир қисмини йўналтиришдаги кенг кўламли жараён тушунилади. Бу шундай жараёнки, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши потенциал инвестицияларнинг асоси бўлган жамғармалар имкониятини кенгайтиради, жамғармалар инвестицияларга туртки бўлиб, ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг ривожланишига олиб келади.

Умуман олганда, инвестиция жараёни – капиталнинг шаклан ўзгариб боришида кечадиган динамик жараёндир.

Иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқаришга инвестициялар жойлаштиришда инвестициялар ҳаракати капиталнинг доиравий айланиши тарзида амалга оширилади ва мос равишда қиймат шакли ўзгариб боради. Ушбу жараён давомида капитал қийматини ўзида мужассамлаштирган тайёр маҳсулот яратилади, натижада унинг реализация қилиниши эвазига даромад олинади.

Шундан келиб чиқиб, инвестициялар ҳаракатини қуйидаги формула ёрдамида ифодалаш мумкин:¹⁶

$$ИР - ИВ \dots П \dots Т' - Д'; \quad (1.1.1.)$$


Бу ерда: ИР – инвестицион ресурслар, ИВ – инвестицияларни жойлаштириш; П – ишлаб чиқариш жараёнида инвестициялардан фойдаланиш; Т' – ўзида капитал қийматини мужассамлаштирган товар; Д' –

¹⁶ Игониная Л.Л. «Инвестиции». Учебник 2-е изд. Москва:Магистр-2008 г. С. 22.

инвестициялашдан олинган даромад миқдори.


Инвестициялар ҳаракатининг жойлаштиришдан тортиб самарага эришгунгача бўлган такрор ишлаб чиқаришнинг барча фазаларидан ўтиши ва ўзини қоплаш жараёни инвестицияларнинг доиравий айланишида кечиб, ўзида инвестицион циклни ифода этади.

Доиравий айланишларнинг йиғиндиси инвестициялар айланиши сифатида намоён бўлади (1.1.1-расм).



1.1.1-расм. Инвестициялар айланиши.¹⁷

Инвестицион жараён амалга оширишида 2 та муҳим босқич алоҳида ўринга эга: 1) инвестициялаш тўғрисида қарор қабул қилиш; 2) инвестицияларни амалга ошириш ва фойдаланиш. Биринчи босқич ўз навбатида 3 та мустақил фазаларга ажратилади, а) инвестициялаш мақсадини белгилаб олиш; б) инвестициялаш йўналишларини аниқлаш; в) инвестициялашнинг аниқ объектларини танлаб олиш. Умумий ҳолда, бунда кўришда ҳам тасвирлаш мумкин (1.1.2-расм).



1.1.2-расм. Инвестиция жараёнининг асосий босқичлари¹⁸.

Реал инвестицияларни бошқариш нуқтаи назаридан микроиқтисодий

¹⁷ Игонина Л.Л. «Инвестиции». Учебник 2-е изд. Москва:Магистр-2008 г. С. 23.

¹⁸ Қўйидаги манба асосида муаллиф томонидан тузилди: Инвестиции: Учебник/А.Ю.Андрюанов, С.В. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. Отв.ред. В.В.Ковалев, В.В.Иванов, В.А.Лялин. -2-е изд. Перераб. и доп.- М.:ТК Велби, Проспект, 2008- С. 35.

миқёсда инвестицион жараённинг қуйидаги босқичлари ажратиш мақсадга мувофиқ:

- инвестиция фаолияти мотивацияси;
- корхонани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва унинг мақсадга мувофиқлигини асослаш;
- инвестицияларни режалаштириш;
- инвестиция фаолиятини молиявий таъминлаш;
- реал инвестицияларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш;
- инвестицияларни суғурталаш;
- инвестицион жараённи мониторинг қилиш ва тартибга солиш;
- инвестициялаш натижаларини баҳолаш.

Инвестицион жараённинг қимматли қоғозларга боғлиқ муносабатларда амалга оширилишида эса қуйидаги 5 та босқич ажратиб кўрсатилади:

- инвестиция сиёсатини танлаб олиш;
- қимматли қоғозлар бозорини таҳлил қилиш;
- қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш;
- қимматли қоғозлар портфелини қайта кўриб чиқиш;
- қимматли қоғозлар портфели самарадорлигини баҳолаш¹⁹.

Бозор муносабатлари шароитида инвестицион жараён асосан инвестицион бозор орқали амалга оширилади.

Шунга кўра, инвестицион бозорни инвестицион талаб ва инвестициялар таклифни ўзида гавдалантирадиган инвестиция фаолияти субъектларининг ўзаро ҳаракати тарзида инвестицияларнинг бозор муомаласи билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими сифатида ифодалаш мумкин²⁰.

Инвестицион ресурслар инвестиция объектларига киритилиши мумкин бўлган капитал қийматликларнинг барча турларидир.

Инвестиция капитали ўзида моддий, номоддий ва пул кўринишидаги

¹⁹ Шарп У.Ф., Александер Г.Д., Бейли Д.В. “Инвестиции”/перевод с англ. Москва:Инфра-М-1999 г.- С. 10.

²⁰Игонина Л.Л. «Инвестиции». Учебник 2-е изд. Москва: Магистр-2008 г. С. 53-55.

инвестицион ресурсларни ифода этади.

Инвестицион товарлари эса инвестицион қўйилмалар объектлари бўлиб, истеъмол товарларидан фарқли ўлароқ, турли иқтисодий фаолиятларда истиқболда даромадга эришиш мақсадида фойдаланилади.

Инвестиция капитали ва инвестицион товарлар ўртасидаги муносабатни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин²¹:

$$ИК - ИТ - Д; \quad (1.1.2.)$$

Бу ерда: ИК-инвестицион капитал, ИТ-инвестицион товар, Д-инвестицион капитални жойлаштиришдан (инвестицион товардан фойдаланишдан) олинган даромад.

Ушбу формуладан кўриш мумкинки, инвестицион товарга инвестицион капитални сарфлаш муайян муддатдан сўнг даромад (самара) олиш имконини беради.

Инвестицион жараёндаги яна бир муҳим жиҳат инвестицион лойиҳа саналади. Айнан инвестицион лойиҳа самарадорлиги бутун жараён самарадорлигини белгилаб беришда марказий ўринда туради.

Инвестицион лойиҳа – иқтисодий ёки ижтимоий самара олиш мақсадида амалдаги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ёки янгисини шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг мажмуавий режасидир²².

Инвестицияларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тутган ўрнини макро ва микроиқтисодий даражада алоҳида кўриб ўтиш мумкин.

Макроиқтисодий даражада уларнинг муҳим аҳамиятли жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- миллий иқтисодиётнинг ривожланиш асосини белгилаб беради;
- ижтимоий такрор ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- асосий ишлаб чиқариш қувватларини тизимли равишда янгилаш;

²² Сухарев О.С., Шманев С.В., Курьянов А.М. «Экономическая оценка инвестиций»: Учебно-практическое пособие под редакцией проф. О.С.Сухарева – Москва:Альфа-Пресс. 2008 г.

– илмий-техник тараққиётни қўллаб-қувватлаш, миллий ишлаб чиқаришнинг рақобатдошлигини таъминлаш;

– иқтисодиётнинг барча тармоқларини мувозанатли ривожлантириш;

– мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш;

– экспорт тузилмасини яхшилаш ва кенгайтириш;

– ижтимоий масалаларни, жумладан, ишсизлик муаммосини ҳал қилиш;

– иқтисодиётда самарали таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

– иқтисодиётда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларини мақсадли жойлаштириш билан кенг тармоқли бозор инфратузилмаларни шакллантиришга имкон яратиш;

– иқтисодиётнинг барча соҳаларини фаоллаштириш орқали мамлакатнинг барқарор ўсиши ва жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини тезлаштириш ва бошқалар.

Микроиқтисодий даражада эса инвестицияларнинг ижобий аҳамияти қуйидаги асосий йўналишларда кўзга ташланади:

– корхоналарнинг фаолият соҳасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;

– асосий воситаларнинг маънавий-моддий эскиришининг олдини олиш;

– маҳсулотлар таннархини пасайтириш;

– янги техника ва технологиялар татбиқ қилиш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг техник таъминот даражасини ошириш;

– рақобатдошликни мустаҳкамлаш ва маҳсулот сифатини ошириш;

– меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий таъминотини яхшилаш.

Албатта, бозор иқтисодиётининг барқарор фаолият кўрсатиши ва тараққий этиши инвестициялар ва уларнинг ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бозор муносабатлари бирмунча юқори даражада ривожланган мамлакатлар амалиётининг гувоҳлик беришича, иқтисодиётда хўжалик субъектлари ўртасида капиталнинг эркин ҳаракатини таъминлайдиган инвестицион жараён самарали фаолият кўрсатиши зарур.

Иқтисодиётнинг инновацион ўсиши ва барқарор амал қилиши ҳар жихатдан хўжалик фаолияти субъектларининг эҳтиёжларини молиялаштиришга пул маблағларини жалб қилиш имкониятининг қанчалик қулайлигига боғлиқ бўлиб, бу эса ўз навбатида, иқтисодиётда инвестицион жараёнларнинг ривожланганлигини ва инвестицион муҳитнинг такомиллашиб боришини тақозо қилади.

Инвестициялар табиий ишлаб чиқариш ва ишчи кучи ресурслари билан биргаликда илғор технологияларни татбиқ этиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришнинг замонавий усуллари жорий қилиниши учун имконият яратади. Инвесторлар ўз маблағларини корхонани ривожлантириш билан бирга уни техник жихатдан қайта қуроллантиришга йўналтиради. Инвестициялар оқимига талабнинг ортиши ва улардан фойдаланиш самарадорлигининг ўсиши хўжалик механизмларини доимий такомиллаштириб бориш ва инвесторлар учун қулай инвестицион муҳитни шакллантиришни тақозо этади.

Ҳозирда дунёнинг бир нечта давлатларида давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга оширилиб келинаётган кенг қамровли чора-тадбирлар бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Хусусан, иқтисодиётда туб таркибий ислохотларни амалга ошириш билан иқтисодиётнинг реал сектор корхоналари барқарорлигини таъминлаш, инвестиция фаоллигини жадаллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия ишини такомиллаштиришда сезиларли ижобий натижаларга эришилди.

Мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи ва тутган ўрни сўнгги йилларда мунтазам ошиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлининг оқилона ишлаб чиқилганлиги, туб ислохотларнинг мақсад ва вазифалари, устувор йўналишларнинг теран асослаб берилганлиги стратегик мақсад йўлида салмоқли муваффақиятларимиз учун замин яратди.

1.2. Инвестицияларнинг таснифи, молиялаштириш манбалари ва йўналишлари

Инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги сезиларли даражада уларнинг тузилишига боғлиқ бўлиб, шу билан бирга уларни молиялаштириш манбалари, сарфланиш йўналишлари алоҳида ўрин тутди.

Инвестициялар миқёсининг кенгайиши ва самарадорлигининг ошиши ишлаб чиқаришни инновацион янгилаш ва жамиятда ижтимоий ислохотларни жадаллаштириш учун хизмат қилади.

1.2.1-жадвал.

Инвестицияларнинг таснифи²³

<i>Таснифлаш белгиси</i>	<i>Инвестиция турлари</i>
Объектига кўра:	Реал инвестициялар Молиявий инвестициялар Интеллектуал инвестициялар
Инвестициялаш мақсадига кўра:	Тўғридан-тўғри ва Портфель инвестициялар
Инвестиция маблағлари ҳисобига кўра:	Ялпи инвестициялар Соф инвестициялар
Муддатига кўра:	Қисқа муддатли Ўрта муддатли Узоқ муддатли
Инвестицион ресурсларга мулкчилик шаклига кўра:	Хусусий Давлат Хорижий Аралаш инвестициялар
Риск (таваккалчилик) даражасига кўра:	Рискли Ишончли

Реал инвестициялар – корхонани шакллантириш ёки унинг фаолиятини кенгайтириш мақсадида бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бино-иншоотлар, технологиялар, ускуналар шаклида асосий воситаларни вужудга келтиришга йўналтириладиган инвестициялардир.

²³ Муаллифнинг илмий изланишлари асосида тузилди.

Реал инвестициялар пул маблағларини корхонанинг моддий ва номоддий активларига сарфлашдан иборатдир. Моддий инвестициялар асосий капитал ва унинг элементларини сотиб олиш билан боғлиқ бўлиб, кўпчилик ҳолларда инвестицион лойиҳалар доирасида амалга оширилади. Номоддий инвестициялар – номоддий бойликлар яратилаётганда амалга оширилиб, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини амалга ошириш, янги маҳсулотларнинг намуналарини яратишга хизмат қилади²⁴.

Молиявий инвестициялар капитални, тўлов ва молиявий мажбуриятларнинг барча турларини ўзида мужассамлаштирувчи, молиявий активларга жойлаштирилишини англатади²⁵. Молиявий инвестициялар асосан қимматли қоғозлар билан боғлиқ муносабатларда ўз ифодасини топади.

Оддий иқтисодий тизимларда инвестициялар асосан реал инвестициялар ҳиссасига тўғри келса, ривожланган замонавий иқтисодиётда инвестициялар аксарият ҳолларда қимматли қоғозлар муомаласига йўналтирилади ва бунда улар ўзаро бир-бирини тўлдириб туриш учун имкон яратади²⁶.

Юқорида келтирилган инвестицияларнинг асосий турлари орасида интеллектуал инвестициялар ҳам муҳим ўрин тутади.

Интеллектуал инвестициялар жамиятнинг ижодий салоҳиятини оширишга, муаллифлик, ихтиро ва патент ҳуқуқларидан келиб чиқадиган интеллектуал мулк объектларига қўйиладиган инвестициялардир. Бу ерда шунини таъкидлаб ўтиш мумкинки, интеллектуал инвестициялар билан номоддий инвестициялар моҳиятига кўра бир-бирига функционал жиҳатдан ўхшашлик касб этади. Улар ўртасидаги асосий фарқни шундай изоҳлаш мақсадга мувофиқ деб топдик, яъни, интеллектуал инвестициялар асосан инвестиция объекти сифатида ёндашилганда намоён бўлиб, номоддий ҳуқуқларни сотиб олишга сарфланса, реал инвестицияларнинг таркибий қисми ҳисобланган номоддий инвестициялар инвестицияни амалга ошириш

²⁴ Imomov H.H. "Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish"//O'quv qo'llanma. T.:Iqtisod-moliya, 2005, 11b.

²⁵ Imomov H.H. "Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish"//O'quv qo'llanma. T.:Iqtisod-moliya, 2005, 12b.

²⁶ Шарп У.Ф., Александер Г.Д., Бейли Д.В. «Инвестиции» перевод с англ. М.:Инфра-М-1997 г.- С.1.

шакли, воситаси сифатида қаралади ва мавжуд мулк хуқуқларни реализация қилиш тарзида ифодаланади.

Интеллектуал инвестицияларга ҳамкорликдаги илмий тадқиқотлар, хусусан, тажриба-конструкторлик ишланмаларга, ишчи кучи ресурсларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, чет элларда тажриба орттиришни рағбатлантириш йўналишларида сарфланиши мумкин.

Баъзи ҳолларда инвестицияларнинг қуйидагича таснифланишига гувоҳ бўламиз: Бизнесга инвестициялар (иқтисодий инвестициялар), қимматли қоғозларга инвестициялар (молиявий инвестициялар) ва узоқ муддатли истеъмол товарларини харид қилишга инвестициялар (истеъмол инвестициялари) каби турлари алоҳида ажратилади.

Ўзбекистон шароити учун бизнесга инвестициялар бирмунча муҳим аҳамият касб этиб, улар ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан жадал қайта қуроллантиришга хизмат қилади²⁷.

Тўғридан-тўғри инвестициялар хорижий инвестицияларнинг шундай шаклики, бунда инвестор инвестиция киритган объектда бевосита мулк ҳуқуқи ва бошқарув ҳуқуқига эга бўлади.

Портфел инвестициялар эса даромад олиш мақсадида молиявий воситалар, хусусан, қимматли қоғозларга инвестициялар жойлаштирилишини билдириб, аммо бу мулкка мутлақ эгалик ҳуқуқини акс эттирмайди.

Инвестициялар таваккалчилик даражасига кўра, riskли ва ишончли инвестицияларга бўлинади. Бунда risk билан боғлиқ инвестицияларга венчур ва бошқа фаолияти кўп омилларга боғлиқ соҳаларга қўйиладиган инвестициялар мисол бўлса, ишончли инвестицияларга яққол мисол тариқасида давлат ёки бошқа субъектлар томонидан кафолатланган инвестициялар мисол бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остидаги чет эл инвестициялари ва кредитлари – марказлаштирилган, яъни давлат

²⁷Юлдашев Р.З. «Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект». Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – С. 24.

инвестиция фаолияти доирасида амалга ошириладиган инвестицияларнинг жалб этилиши. Ўзбекистон Республикасининг ташқи қарзини шакллантирувчи чет эл валютасидаги кредитларга, марказлаштирилган валюта маблағлари, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланадиган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остидаги кредитлар тушунилади. Ушбу кредитларга хорижий давлатлар, банклар, халқаро молиявий ташкилотлар, давлатлараро уюшмалар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида Ўзбекистон Республикасига тақдим этиладиган кредитлар киради²⁸.

Инвестициялар жойлаштирилиш муддатларига кўра, қисқа (бир йилгача), ўрта (бир йилда уч йилгача) ва узоқ муддатли (уч йилдан ортиқ муддатга) инвестицияларга таснифланади²⁹.

Бизнинг назаримизда, қисқа муддатли инвестициялар деб, бир йилгача, ўрта муддатли инвестициялар деб, бир йилдан беш йилгача ва узоқ муддатли инвестициялар деб, беш йилдан ортиқ муддатга жойлаштириладиган инвестицияларни эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Бунда шунга алоҳида эътибор билан қараш керакки, қисқа муддатли қўйилмаларда асосан оператив масалалар ҳал қилинса, ўрта ва узоқ муддатли инвестицияларнинг мақсади ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, илмий-техник ютуқларни татбиқ этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлинади.

Капитал инвестициялар жумласига асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.


Инновация инвестициялари жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшиладиган инвестициялар

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2012 йил 30 апрелдаги 6-сонли қарори билан тасдиқланган “Жалб этилаётган чет эл инвестициялари ва кредитлари умумий ҳажмларини шакллантириш бўйича услубий низом”.

²⁹ Игоница Л.Л. «Инвестиции» М.:Магистр-2008 г. - С.28.

киради.

Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.



1.2.1-расм. Инвестиция турлари ва риск даражасининг ўзаро боғлиқлиги³⁰

Инвестиция фаолиятини амалга оширишда венчур капитал ҳам муҳим ўринга эга бўлиб, уни маълум маънода номоддий инвестицияларнинг бирламчи тури сифати илгари суриш мумкин. Ўз моҳиятига кўра, венчур капитал – бу илмий-техник тараққиётга қўйиладиган riskли капитал ва инвестициялардир³¹.




1.2.2-расм. Инвестицияларнинг фаолият соҳаси бўйича таснифи³²

³⁰ Игонина Л.Л. “Инвестиции”. Учебник 2-е изд. Москва:Магистр-2008 г. С.34.

³¹ Дворжак И. Венчурный капитал в странах Центральной и Восточной Европы. <http://ptpu.ru/Issues>. С.1.

³² Юлдашев Р.З. Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – С.22.

Инвестицион жараёнда инвестицияларнинг турлари билан бирга, уларни амалга ошириш шакллари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига биноан унинг асосий шакллари кўриб ўтишимиз мумкин. (1.2.3-расм).



1.2.3-расм. Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни амалга оширишнинг асосий шакллари³³

Инвестицион жараённинг амалга оширилиши инвестицияларни молиялаштириш манбаларини белгилаб олиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш соҳасида аниқ ечимларни қарор топтириш билан боғлиқ ҳисобланади.

Инвестицион жараёни молиялаштириш манбаларининг асосини инвестицион ресурслар ташкил қилиб, ўз навбатида инвестицион ресурслар юқорида таъкидлаб ўтилганидек, инвестициялаш объектларига киритиладиган барча турдаги капитал қийматликларидан иборатдир.

³³ Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни асосида тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ инвестиция ресурслари жумласига қуйидагилар киради:

- пул ва бошқа молиявий маблағлар, шу жумладан, кредитлар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;
- кўчар ва кўчмас мол-мулк (бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа моддий бойликлар) ҳамда уларга доир ҳуқуқлар;
- интеллектуал мулк объектлари, шу жумладан, техникавий ҳужжатлар тарзида тузилган техникага, технологияга, тижоратга оид ва бошқа билимлар мажмуи, у ёки бу турдаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган билимлар ва ишлаб чиқариш тажрибаси, ноу-хау;
- ерга ва бошқа табиий ресурсларга, бинолар, иншоотлар, ускуналарга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, мулк ҳуқуқидан келиб чиқувчи ашёвий ҳуқуқлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа бойликлар.

Инвестиция ва унинг муҳим манбаси саналган жамғарма ўртасидаги мувозанат ҳолати борасида бир қатор назарий қарашлар фарқланади. Ушбу назарий қарашларни ёритишда Ш.Ш. Шодмонов, У.В. Ғафуров муаллифлигида 2010 йилда нашр қилинган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигидан кенг фойдаланишимиз мумкин.


Бу борада классик иқтисодчилар ва кейнсчиларнинг қарашларини кўриб чиқиш ушбу масалага атрофлича ойдинлик киритишга ёрдам беради.

Классик иқтисодчилар нуқтаи назаридаги энг марказий ҳолат – бу улар томонидан фоиз ставкасининг ҳам инвестициянинг, ҳам жамғарманинг функцияси сифатида қаралиши ҳисобланади (1.2.4-расм).

Расмдан кўринадики, классик моделни тузишда тик ўқ бўйича реал фоиз ставкаси, ётиқ ўқ бўйича эса жамғарма ва инвестиция ҳажми кўрсаткичлари жойлаштирилган. Инвестиция ва фоиз ставкаси ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд.

Жамғарма эса тўғри, ўсувчи боғлиқликка эга, яъни фоиз ставкасининг юқори бўлиши жамғарма даражасининг ҳам юқори бўлишига олиб келади.

Иқтисодиётдаги инвестиция ва жамғарма ҳажмлари ўртасида мувозанат (Е нукта)га эришиш учун фоиз ставкасининг r^0 даражаси таъминланиши лозим. Фоиз ставкаси даражасининг мувозанат даражасидан четланиши (r^1 – паст ва r^2 – юқори бўлган ҳолатлар) инвестиция ва жамғарма ҳажми ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига олиб келади.



1.2.4-расм. Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг классик модели³⁴

Фоиз ставкасининг r^1 даражасида инвесторлар учун қулай нархларнинг вужудга келиши инвестицион ресурсларга бўлган талабни оширади, бироқ бундай даражада жамғарма учун рағбат пасайиб кетади. Натижада инвестицион ресурслар тақчиллиги пайдо бўлади. r^2 даражада эса барча субъектлар учун жамғарманинг нафлилиги ошади, бироқ бундай фоиз даражасида барча инвесторлар ҳам ўз фаолиятининг фойдалилигини таъминлай олмайдилар. Натижада жамғарманинг аҳамиятли қисми инвестицияларга айлана олмайди.


Умумий ҳолда классик назария шундан далолат берадики, жамғармасиз инвестиция бўлиши мумкин эмас³⁵.

Кейнсчиларнинг инвестиция ва жамғарма ўртасидаги мувозанат модели ўз тузилишига кўра классик моделдан фарқ қилади. Бунда энг марказий нукта – Ж.М.Кейнс томонидан жамғарма фоиз ставкасининг эмас, балки даромаднинг функцияси деб қаралиши ҳисобланади: $S = S(Y)$. Инвестиция

³⁴ Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. “Иқтисодиёт назарияси”/Дарслик. – Т.: 2010, 351-бет.

³⁵ Гуртов В.К. “Инвестиционные ресурсы”.- М.:Экзамен, 2002-С.21.

эса, классик моделдаги сингари, фоиз ставкасининг функцияси деб олинади: $I = I(r)$. Яъни, кейнсча концепциянинг асосида жамғариш ва инвестиция даражаларининг бошқа-бошқа омиллар таъсирида ўзгариши ётади. Кейнсча моделнинг моҳиятини қуйидаги расм орқали изоҳлаш мумкин (1.2.5-расм).



1.2.5-расм. Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг кейнсча модели³⁶

Расмдан кўринадики, график кўрсаткичларининг жойлашуви ҳам классик моделдан фарқ қилади. Тик ўқда жамғарма (S) ва инвестиция (I) даражаси, ётиқ ўқда эса миллий даромад даражаси (NI) жойлашган. Иқтисодиётдаги жамғарма даражаси миллий даромад ҳажмига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Миллий даромад ҳажми амалда инвестиция даражасига ҳам таъсир кўрсатсада, мазкур моделда уни миллий даромадга боғлиқ бўлмаган, яъни автоном ҳолда берилади. Графикда инвестиция ва жамғарма эгри чизиқлари E нуқтада кесишади. Агар иқтисодиётдаги тўла бандлик ҳолатига миллий даромаднинг F даражасида эришилади, деб тасаввур қилсак, у ҳолда бу даражада инвестиция ва жамғарма мувозанатини (EF нуқта) таъминлаш учун инвестиция IF даражада бўлишига эришиш лозим бўлади. Бироқ, Кейнс талқинига кўра, инвестиция ва жамғарма даражасининг мувозанати тўла бандлик бўлмаган шароитда ҳам таъминланиши мумкин: графикдаги миллий даромаднинг N ҳажмида айнан шу ҳолатга (E нуқта) эришилади.

Инвестиция ва жамғарма даражалари мувозанатининг классик ва

³⁶ Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. “Иқтисодиёт назарияси”//Дарслик. – Т.: 2010, 352-бет.

кейнсча моделлари ўртасидаги фарқ қуйидагилар орқали намоён бўлади: биринчидан, классик моделда бу мувозанат рўй бериши учун иқтисодиётнинг доимий равишда тўла бандлик ҳолатида бўлиши тақозо этилади. Кейнсча моделда эса, юқорида кўриб чиқилганидек, бу мувозанатга тўла бандлик бўлмаган ҳолатда ҳам эришиш мумкин; иккинчидан, классик моделда нарх механизми жуда ҳаракатчан бўлади. Кейнсча моделда нархнинг бундай мослашувчанлиги инкор этилади; учинчидан, юқорида таъкидланганидек, классик моделда жамғарма фоиз ставкасининг функцияси сифатида, кейнсча моделда эса даромад функцияси сифатида қаралади. Демак, юқоридагилардан кўринадики, жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг кейнсча модели классик моделга нисбатан асосланган, реал ҳаёт, яъни иқтисодиётнинг тўла бандлиги мавжуд бўлмаган ҳолатга нисбатан ҳам татбиқ этилиб, такомиллаштирилган модел ҳисобланади. Шунга кўра, биз ҳам макродаражадаги бошқа муаммоларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилишда, асосан, ушбу моделдан фойдаланамиз.

Жамғарма ва инвестиция миқдорлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўриб чиқиш натижасида умумий кўринишда қуйидагича хулосага келинган³⁷:

$$\text{Инвестиция} = ХЖ + АЖ + БМ + БК;$$

Бу ерда: ХЖ-хусусий жамғармалар (жумладан, амортизация); АЖ-бевосита аҳоли жамғармалари (облигациялар тусида, акциялар муомаласида, лизинг, ипотека ва бошқа механизмлар орқали инвестицияларга айланади); БМ-бюджет маблағлари; БК-банк кредитлари.

Бозор иқтисодиётида инвестицион ресурсларни шакллантириш манбалари турли-туман бўлиб, уларни ўрганишда даставвал ички ва ташқи манбалар ажратилган ҳолда алоҳида олиб кўриб чиқилади. Бунда шуни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқки, ушбу манбаларни миллий иқтисодиёт (макроиқтисодий даражада) нуқтаи назаридан ҳамда алоҳида корхона

³⁷ Гуртов В.К. «Инвестиционные ресурсы».- М.:Экзамен, 2002-С.34.

(микроиқтисодий даражада) нуқтаи назаридан ажратиб ўрганиш инвестициялаш манбаларини ўрганишда тизимлиликни таъминлайди.

Макроиқтисодий даражада инвестицияларни молиялаштиришнинг ички манбаларига аҳоли, корхоналар, тижорат банклари, инвестицион фондлари, турли мақсадли фондлар, суғурта компанияларининг жамғармалари ва давлат бюджети ажратмалари мисол бўлса, ташқи манбаларга чет эл инвестициялари, хорижий кредитлар ва жалб қилинган қарзларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Микроиқтисодий даражада инвестицияларни молиялаштиришнинг ички манбалари қаторида фойда, амортизация, корхона мулкдорларининг ажратмалари кабилар муҳим ўринга эга. Ташқи манбаларга эса инвестицион кредитлар, хусусий қимматли қоғозлар муомаласидан олинадиган самара, бюджет орқали молиялаштириш (дотациялаш) ва шу кабилар киритилади.

Инвестицияларнинг манбаларидан бири бўлиб аҳоли кенг қатламларининг жамғармалари ҳисобланади. Шунингдек, лозимки, амалда жамғарма эгаси ва инвестор бир шахсда намоён бўлиши ва бўлмаслиги ҳам мумкин. Одатда, жамғарма жамиятдаги кўпчилик субъектлар томонидан амалга оширилиб, улардан инвестиция сифатида фойдаланиш эса бутунлай бошқа субъектлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, иқтисодиётда фаолият юритувчи саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар жамғармаси ҳам инвестиция манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу ўринда “жамғарувчи” ва “инвестор” бир субъектда мужассамлашади.

Инвестиция фондлари – фойда олиш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини ўзига жалб қилувчи ва ушбу жамғармаларни ўз номидан қимматли қоғозларга ва бошқа объектларга йўналтириш орқали инвестицион фаолиятни амалга оширувчи ташкилотдир.

Ялпи сарфлар таркибининг инвестиция сарфларига оид қисми ялпи хусусий ички инвестициялар деб юритилади. Шунга кўра ялпи ва соф инвестицияларни ҳам бир-биридан фарқлаш зарур.

Ялпи инвестициялар жорий йил давомида истеъмол қилинган асосий

капитални қоплашга мўлжалланган (амортизация) ҳамда иқтисодиётдаги капитал ҳажмига ҳар қандай соф қўшимчалардан иборат барча инвестицион товарларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Соф инвестициялар эса жорий йил давомида қўшимча равишда жалб қилинган инвестицион товарлардан иборат. Бошқача айтганда, соф инвестиция ялпи инвестиция билан амортизация ажратмаларининг айирмасига тенг.

Корхонани ривожлантиришга сарфланадиган инвестицияларнинг асосий йўналишлари				
Янги ишлаб чиқариш қувватларини шакллантириш ёки унинг шохобчаларини ташкил қилиш	Ишлаб чиқаришни техник-технологик янгилаш ҳисобига корхонани модернизация қилиш	Корхона фаолиятининг турли соҳаларини таркибий ўзгартириш	Менежер ва ходимларнинг касбий ва малакавий салоҳиятини ошириш	Корхонанинг ижтимоий ва техник инфратузилмасини ривожлантириш

1.2.6-расм. Корхона фаолияти инвестицион таркибининг асосий йўналишлари³⁸

Капитал қўйилмалар тарзида амалга ошириладиган инвестициялар олдига қўйилган вазифалар ҳажмига қараб, қуйидаги йўналишларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга инвестициялар: ишлаб чиқариш қувватлари ва ускуналарини алмаштириш, ишчилар малакасини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ёки маҳсулот сифатини яхшилашни назарда тутати;
- ишлаб чиқаришни кенгайтиришга инвестициялар: маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилади;
- янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва диверсификациялашга йўналтириладиган инвестициялар;

³⁸ Юлдашев Р.З. «Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект». Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – С.21.

– стратегик инвестициялар: илмий-техник тараққиёт ютуқларини татбиқ этишга йўналтирилади.

1.3. Инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг услубий масалалари

Инвестициялар самарадорлигини баҳолашда, юқорида қайд этилганидек, бир нечта тамойилларга асосланади ва улар қуйидагилардан иборат:

- бошланғич маълумотларни солиштириш;
- ишончлилик;
- мақсадли йўналтирилганлик;
- тизимлилик;
- кўп ўлчовлилик;
- мувофиқлик;
- ҳисоб-китоб натижаларига таяниш;
- қўлланиладиган мезонларнинг бир хиллиги³⁹.

Бошланғич маълумотларнинг солиштирилиши тамойили таҳлил қилинаётган муқобил инвестицион лойиҳаларнинг муддат давомийлиги ва бошланғич капитал харажатлари бир-бирига яқин бўлишини назарда тутди.

Ишончлилик тамойили қараётган маълумотларнинг ишончлиги ва аниқлигини ифодалайди.

Мақсадли йўналтирилган тамойили муқобил инвестицион лойиҳаларнинг муайян мақсадни кўзда тутишини англатса, тизимлилик тамойили лойиҳанинг барча жиҳатлари ва жараёнларнинг бир-бири билан яқин боғлиқликда бўлишини англатади.

Кўп ўлчовлилик тамойили шундай изоҳланадики, муқобил инвестицион лойиҳаларни танлаб амалга оширишда уларнинг кўп жиҳатларига эътибор бериш ва турли усуллар орқали ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқ саналади.

³⁹ Царев В.В. «Оценка экономической эффективности инвестиций». –СПб: Питер, 2004 г. - С. 21.

Шу билан бирга, мувофиқлик тамойили лойиҳаларнинг энг муносибини амалга оширишни англатса, ҳисоб-китоб натижаларига таяниш лойиҳани қабул қилишнинг муҳим асоси бўлиб ҳисобланади. Мезонларнинг бир хиллиги шундан иборатки, муқобил инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилишда қиёсий олинган мезонлар бир хилликка асосланиши керак.

Инвестициялар самарадорлиги деганда, биринчи галда бир бирлик инвестиция эвазига эришиладиган иқтисодий ёки ижтимоий натижа тушунилади. Инвестициялар самарадорлигини аниқлашда, унинг айрим жиҳатларинигина тавсифлайдиган алоҳида кўрсаткичлардан фойдаланиш етарли бўлмайди. Шу сабабли инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш учун бир неча усуллар ва кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Инвестиция самарадорлигининг мутлақ кўрсаткичини макро ва микро даражада алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Макро даражада инвестиция самарадорлиги қуйидаги формула орқали изоҳланади⁴⁰:

$$ИС_{\text{мак}} = \frac{\Delta МД}{И} ; (1.3.1.)$$

Бу ерда: $ИС_{\text{мак}}$ -асосий капиталга инвестиция самарадорлиги; $\Delta МД$ – асосий капиталга инвестиция ҳисобига миллий даромаднинг ўсиши; $И$ -асосий капиталга инвестиция.

Микро даражада инвестиция самарадорлиги одатда асосий капиталга инвестициянинг мутлақ самарадорлиги деб аталиб, уни қуйидагича ҳисоблаш қабул қилинган⁴¹:

$$ИС_{\text{мут}} = \frac{\Phi}{И} ; (1.1.2.)$$

Бу ерда: $ИС_{\text{мут}}$ -асосий капиталга инвестициянинг мутлақ самарадорлиги; Φ -инвестициялаш натижасида олинган фойда; $И$ -асосий капиталга инвестиция.

⁴⁰Сергеев И.В. Веретенникова И.И. “Экономика организаций (предприятий)”, Учебник/под ред. И.В.Сергеева – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Проспект, 2005 -С.205.

⁴¹ Ўша манба. 205-бет.

Ҳар қандай инвестиция лойиҳасини молиявий-иқтисодий баҳолаш мазмунини жуда содда саволга, яъни келгусидаги пул тушумлари ҳозирги қилинган харажатларни қоплайдими ёки йўқми деган саволга жавоб топиш ташкил этади.

Ривожланган мамлакатларда инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг турли лойиҳаларга қўйилган маблағларнинг фойдалилигини таққослашга асосланган усуллари кўп қўлланилади. Бунда у ёки бу лойиҳага инвестиция қилишнинг муқобил варианты бўлиб бошқа объектларга маблағ сарфлаш, шунингдек, маблағларни маълум фоиз билан банкка қўйиш ёки уларни қимматли қоғозларга айлантириш имкониятлари ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш усуллари деганда, харажатларнинг фойдалилиги ва қопланиши нуқтаи назаридан турли объектларга инвестиция қилишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш усуллари тушунилади. Инвестиция лойиҳалари нисбий самарадорлик мезонига кўра танланади ва улар турлича бўлади.

Инвестицияларни баҳолашнинг соддалаштирилган усуллари қаторида инвестициянинг қопланиш муддатини ҳисоблаш усули ва инвестициянинг бухгалтерия рентабеллигини аниқлаш усули айниқса муҳим аҳамиятга эга. Ушбу усуллар дисконтлаш концепциясигача бўлган даврда кенг қўлланилган бўлиб, лекин бугунги кунда ҳам инвестицион амалиётда улардан фойдаланиш давом этмоқда. Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, инвестицион лойиҳалар устида чуқур тадқиқотни амалга оширмай, балки дастлабки баҳолаш натижалари ёрдамида инвестицион лойиҳаларнинг селекциясини олиб бориш учун бирламчи қўшимча маълумотлар олишга имкон беради.

Инвестициянинг қопланиш муддатини ҳисоблаш усули (ингл. Payback period-PP). Инвестициянинг қопланиш муддати лойиҳанинг бошланиш вақтидан то унинг ўзини ўзи қоплагунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бошланиш вақти биринчи қадамнинг бошланиши ёки операцион фаолиятнинг бошланиши билан изоҳланади. Қопланиш муддати эса лойиҳани амалга ошириш натижасида олинган соф пул тушумларининг

умумий йиғиндиси билан дастлабки инвестициялар миқдори тенг келадиган муддатдан иборат.



1.3.1-расм. Инвестицияларни баҳолаш усуллари⁴²

Инвестициянинг қопланиш муддати икки хил алоҳида усул билан аниқланиши мумкин:

- 1) ўртача йиллик пул тушумларининг миқдори асосида;

$$PP = \frac{I_0}{NCF_{cr}}; \quad (1.3.3.)$$

Бу ерда: NCF_{cr} – ўртача йиллик пул тушумлари (лойиҳани амалга ошириш ҳисобига).

Мисол.

	I ₀ , млн. сўм	Соф пул тушумлари, млн.сўм				
		1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил
Лойиҳа 1	100	25	25	25	25	25
Лойиҳа 2	100	30	35	25	25	10

Биринчи лойиҳа каби иккинчи лойиҳада ҳам ўртача йиллик соф пул

⁴² Липсиц И.В., Коссов В.В. «Экономический анализ реальных инвестиций»/Учебник, 3-е изд. перераб. и доп.-М.:Магистр, 2007-С.142.

тушуми 25 млн. сўмни ташкил қилади, яъни:

$$\frac{30+35+25+25+10}{5} = 25 \text{ млн.сўм}, \quad PP = \frac{100}{25} = 4 \text{ йил.}$$

Ушбу усул бўйича иккала лойиҳанинг ҳам қопланиш муддати 4 йилдан иборат экан.

2) дастлабки инвестиция миқдориға эришилгунгача пул маблағларини йиллар бўйича ҳисобга олиш асосида;

Қопланиш муддатини юқорида келтирилган мисол ёрдамида кўриб ўтамиз. Биринчи лойиҳа бўйича $25+25+25+25=100$ (млн.), яъни биринчи тўрт йилдаги соф пул тушумлар йиғиндиси дастлабки инвестиция миқдориға тенг бўлади экан. Бунда лойиҳа 4 йилда қопланади.

Иккинчи лойиҳа бўйича эса $30+35+25=90$ (млн.), яъни биринчи уч йилдаги соф пул тушумлари йиғиндиси 90 млн.га тенг бўлади. Агар унга тўртинчи йилдаги пул тушумларини ҳам қўшсак, дастлабки инвестиция миқдоридан ошиб кетади. Бу ҳолат шундан далолат берадики, лойиҳа тўртинчи йил мобайнида ўзини ўзи қоплайди. Бунинг учун тўртинчи йилда лойиҳа қопланиши учун зарур бўлган пул тушумларининг бир қисмини ажратиб оламиз, яъни $100-90=10$ млн. Тўртинчи йилдаги умумий соф тушуми мисолимизда 25 млн.ни ташкил этмоқда. Натижада келиб чиқадики, зарур бўлган 10 млн. 0,4 йилда ($10/25$) қопланади. Шундай қилиб, иккинчи лойиҳанинг қопланиш муддати 3,4 йилни ташкил этади.

Инвестициянинг қопланиш муддатини ҳисоблашда яна бир ёндашув мавжудки, у ҳам бўлса соф пул тушумлари эмас, балки соф фойданинг асос қилиб олинишидир. Унга кўра қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$PP = \frac{I_0}{NP_{cr}}; \quad (1.3.4.)$$

Бу ерда: NP_{cr} – ўртача йиллик соф фойда миқдори.

Инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг содда усуллариининг энг муҳим камчиликлари қаторида вақт бўйича пул тушумлари қийматининг фарқини ҳисобга олмаслигини ва одатда тенг миқдордаги пул тушумларини

назарда тутилишини келтириш мумкин.

Инвестициянинг бухгалтерия рентабеллиги фойда миқдорининг инвестиция миқдorigа нисбатини ўзида ифодалайди (ингл. *Return of invest-ROI*). Бу усул адабиётларда инвестицияга ўртача фойда нормаси (ARR – ингл. *average rate of return*), ҳисобланган фойда нормаси (ARR – ингл. *accounting rate of return*) деб ҳам юритилади.

Кўрсаткичнинг номи шундан далолат берадики, у бухгалтерия ҳисоботи бўйича корхона даромади ўртача миқдорини инвестицияларнинг ўртача миқдorigа нисбатини ифодалайди.

Унинг миқдорини ўлчашнинг турли вариантлари мавжуд бўлиб, бунда фойда ёки инвестиция миқдори қандай ҳисобланишига боғлиқ бўлади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, фойда кўрсаткичи сифатида қуйидагилар эътиборга олиниши мумкин, яъни солиқ ва фоиз тўловларигача бўлган фойда (EBIT-earning before interest and tax), солиқ тўловидан кейинги ва фоиз тўловларидан олдинги фойда (EBIAT-earning before interest, after tax).

Инвестициянинг бухгалтерия рентабеллигини аниқлашнинг ушбу усулида жами инвестицион капитал асос қилиб олинади (I).

$$ROI = \frac{EBIAT}{I}; \quad (1.3.5.)$$

Инвестициянинг бухгалтерия рентабеллигини аниқлашнинг яна бир варианты шундан иборатки, бунда ўртача йиллик соф фойданинг дастлабки инвестицияларга нисбати олинади.

$$ROI = \frac{NP_{cr}}{I_0}; \quad (1.3.6.)$$

Пул оқимларини дисконтлашга асосланган усуллар орасида соф жорий қийматни ҳисоблаш усули алоҳида аҳамият касб этади.

Соф жорий қиймат инвестицион лойиҳани амалга ошириш натижасидаги пул тушумлари ва ушбу лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган барча харажатларнинг дисконтланган жорий қиймати ўртасидаги фарқдан иборатдир.

$$NPV = \frac{CF_1}{(1+k)^1} + \frac{CF_2}{(1+k)^2} + \dots + \frac{CF_n}{(1+k)^n} - I_0 = \sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+k)^t} - I_0; \quad (1.3.7.)$$

Бу ерда: NPV(net present value) - соф жорий қиймат; k-кутилаётган рентабеллик меъёри; I_0 -бирламчи (дастлабки) инвестиция қўйилмаси; CF_t - (ингл. Cash Flow)-t муддат охирига пул маблағларининг тушуми (пул оқими).

Агар NPV мусбат кўрсаткичга эга бўлса, у ҳолда инвестицион лойиҳани қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу билан бирга, амалиётда инвестициялар бир вақтда амалга оширилмаслиги, балки ойлар, ҳатто йиллар мобайнида бўлиб-бўлиб амалга оширилиши ҳолатида соф жорий қийматни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$NPV = \sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+k)^t} - \sum_{t=1}^n \frac{I_t}{(1+k)^t}; \quad (1.3.8.)$$

Бу ерда: t муддат ичидаги инвестицион сарфлар.

Инвестициялар самарадорлигини NPV асосида аниқлаш усулининг кенг тарқалганига сабаб бу кўрсаткичнинг дастлабки шарт шароитларнинг турли комбинацияларида барқарор, ўзгармай туришидир. NPV инвестициялашнинг ушбу варианты фирма бойлигининг ўсишига олиб келадими деган саволга жавоб берсада, бундай ўсишнинг нисбий ўлчамлари ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди. Бундай маълумот эса инвестор учун жуда зарур. Бу камчиликни тўлдириш учун бошқа бир кўрсаткич - инвестиция рентабеллигини ҳисоблаш усулидан фойдаланилади.

Инвестиция рентабеллигини ҳисоблаш усули (ингл. *Profitability index-PI*). Бу бир сўмлик инвестиция ҳисобига инвесторнинг даромади қай даражада ошишини аниқлашга ёрдам берадиган кўрсаткич бўлиб саналади ва қуйидаги формула орқали ҳисобланади:


$$PI = \left[\sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+k)^t} \right] / I_0; \quad (1.3.9.)$$

Бу ерда: CF_t – инвестиция эвазига олинadиган t йилдаги пул тушуми.

Бундан кўриш мумкинки, агар NPV мусбат кўрсаткичга эга бўлса, PI миқдори 1 дан катта бўлади ва аксинча. Демак, агар таҳлиллар PI нинг 1 дан катталигини кўрсатса, лойиҳани қабул қилиш мумкин.

Ички фойда меъёри (нормаси)ни ҳисоблаш усули (*ингл. Internal rate of return-IRR*). Иқтисодий адабиётда ички фойда нормасини ички даромад нормаси, қоплаш коэффиценти ёки самараси, баъзида эса капитал кўйилмаларни самараси деб ҳам аталади.

IRR даромадлиликнинг шундай меъёрики, унда пул тушумларининг дисконтланган қиймати пул чиқимларининг дисконтланган қийматига тенг бўлади. Бошқача қилиб айтганда, IRR лойиҳа бўйича инвестициялашдан олинган соф тушумларнинг дисконтланган қийматини инвестицияларнинг дисконтланган қийматига тенг бўлишини таъминловчи коэффицентдир. Унинг моҳиятини (1.3.7.) формула асосида кўриб ўтиш мумкин. Бунда IRR нинг даражасини NPV 0 га тенг бўлгандаги k нинг даражаси ўзида ифодалайди. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, дисконт коэффиценти билан NPV миқдори ўртасида ўзаро тескари боғлиқлик мавжуд. Бу ҳолатни графикда шундай тасвирлаш мумкин (1.3.2-расм).



1.3.2-расм. NPV миқдорининг дисконт коэффицентиға боғлиқлиги

Расмда кўриниб турганидек, IRR-бу k дисконт коэффиценти нинг шундай даражасики, бунда NPV нинг ўзгариши горизонтал ўқни кесиб ўтади, яъни у 0 га тенг бўлади. IRR ни ҳисоблаш усули NPV ни ҳисоблаш усули сингари дисконтлашга асосланади.

IRR миқдорини аниқлашда соф жорий қийматни ҳисоблаш формуласида NPV миқдорини нолга тенглаштириб олиниб дисконлаш коэффиценти ҳисоблаб топилади. Бунда IRR миқдори k га нисбатан ечиш талаб қилинадиган қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+k)^t} - I_0 = 0; \quad (1.3.10.)$$

Шунингдек, IRR миқдори келтириш коэффицентлари жадваллари ёрдамида топилади. Ушбу коэффицентлар олдиндан ҳисоблаб чиқарилган махсус жадвал маълумотларига таянади.

IRR баъзида текширув дисконти деб ҳам аталади, чунки у дисконтлаш коэффицентининг лойиҳаларини самарали ва самарасиз турларга ажратиш имконини берувчи даражасидир. Бу учун IRR фирма учун стандарт сифатида қабул қилинган маблағларнинг қопланиш даражаси билан солиштирилади. Бундай қуйилмалар рентабеллигининг стандарт даражаси барьер коэффиценти HR (*ингл.hardle rate*) деб ҳам аталади.

- агар $IRR > HR$ - ҳолатда лойиҳа қабул қилинади;
- агар $IRR < HR$ - ҳолатда лойиҳа қабул қилинмайди;
- агар $IRR = HR$ - ҳолатида исталган қарор қабул қилиш мумкин.

$IRR > HR$ ҳолатида NPV мусбат бўлади, инвестициялар рентабеллиги эса бирдан юқори бўлади. $IRR < HR$ бўлса, NPV манфий, PI эса бирдан кичик бўлади.

Биринчи боб хулоса

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этишида инвестициялар бирламчи ва ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб саналади. Умумий ҳолда, инвестицияни иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи куч сифатида қиёслаш мумкин.

Инвестиция тушунчаси иқтисодиёт учун янги тушунча ҳисобланмай, балки бозор муносабатларининг ривожланиши билан вужудга келган тушунча бўлиб ҳисобланади. Инвестициялар – асосий ва айланма капитални

шакллантириш, қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва самарадорлигини таъминлашга, ишчи кучининг малакасини оширишга қилинган капитал сарфларнинг пулда ифодаланишидир. Инвестиция жараёни эса инвестицияга нисбатан кенгрок мазмунга эга бўлиб, инвестициялар фаолиятидаги кетма-кетлик ва муносабатларни ўзида мужассамлаштиради. Унинг самарадорлиги эса бутун жараён нуқтаи назаридан қаралади. Бунда марказий ўринни албатта, инвестициялар самарадорлиги, хусусан, инвестиция лойиҳаси самарадорлиги эгаллайди.

Шунингдек, инвестицияларнинг таснифи, уларни молиялаштириш манбалари ва сарфлаш йўналишлари инвестиция муносабатларида муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мамлакатимизда инвестицияларни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш, муқобил манбаларидан фойдаланиш ва шунинг билан бирга, инвестицияларни самарали йўналишлар бўйича мақсадли жойлаштириш иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг муҳим шартига айланган.

2-БОБ. БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятининг ташкилий- ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йиллари мобайнида инвестиция фаолиятининг ҳар жиҳатдан такомиллашган ҳуқуқий асослари яратилди. Айниқса, хорижий инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар тизими йўлга қўйилганлиги бу борадаги ишларнинг эътиборли жиҳати бўлиб ҳисобланади.

Республикада инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва шу билан бирга чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг таянч ҳуқуқий асоси “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонун, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонун ва бошқа тегишли ҳужжатлар орқали намоён бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда мутасадди давлат идоралари томонидан қабул қилинадиган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий негизини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган бўлиб, қонун 28 та моддани ўз ичига олиб, ҳар бир модданинг аниқ баён қилинганлиги ва кенг қамровлилиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ушбу қонуннинг биринчи моддасига мувофиқ инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Чет эл инвестицияларини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари чет эл инвестициялари

тўғрисидаги, чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган бўлиб, ўз ичига 22 та моддани камраб олади. Ушбу қонуннинг биринчи моддасига мувофиқ қонуннинг мақсади ва вазифалари қуйидагича белгиланган: қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари амалга оширилишининг ҳуқуқий асослари ва тартибини белгилаб беради.

Қонуннинг асосий вазифалари чет эл инвестициялари кириб келишини рағбатлантириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига кўмаклашишдан, чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибасини жалб этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган бўлиб, мазкур қонунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестиция фаолиятини амалга ошираётган чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларини ва уларни ҳимоя қилиш чораларини белгилаш мақсад қилиб олинган бўлса, чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш бўйича комплекс чораларни шакллантириш, чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестицияларининг айрим тоифалари учун қўшимча кафолатлар бериш шарт-шароитларини, ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш тартибини, тадбиркорлик фаолияти эркинликларини ва уларни ҳимоя қилиш

чораларини белгилаш муҳим вазифалари бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси нормалари, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда янги таҳрирда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни⁴³, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни инвестицион жараёнларни ҳуқуқий тартибга солишда муҳим рол ўйнайди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисида илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида чуқур ижобий силжиш юзага келишига омил бўлиб хизмат қилмоқда. Айнан ана шу концепцияда илгари сурилган олти устувор йўналишнинг бири демократик бозор ислохотларин чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилганлиги ҳамда бу борада қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шу билан бирга замон талабларидан келиб чиқиб, янги қонунлар қабул қилиш зарурлиги ҳар томонлама асослаб берилди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ғоят муҳим аҳамиятга молик қонунларни такомиллаштириш билан бирга, Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни алоҳида эътироф этилди. Хусусан, “Кредит бюрolari фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида”, “Гаров реестри тўғрисида”, “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”,

⁴³ “Халқ сўзи” газетаси, №86(5476), 2012 йил 3 май.

“Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”, “Инновациялар ва иқтисодийтни модернизация қилиш тўғрисида”ги ва бошқа янги қонунлар шулар жумласидандир.

Инвестиция фойятини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари янада такомиллаштиришда қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли йиллар бўйича инвестиция дастури тўғрисидаги қарорлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1668-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги Қарори, 2010 йил 29 декабрдаги ПҚ-1455-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги Қарори республика миқёсида инвестицияларни амалга ошириш дастурлари асосида тизимлиликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ва 2006 йил 16 майдаги ПҚ-350-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори мамлакатимизда йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ташкил қилиниши учун замин ҳозирлади ва Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 9 мартдаги ПҚ-1725-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори унинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, хорижий инвестициялар кириб келишини янада рағбатлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-927-сонли “Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларда янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашга қаратилган. Унга кўра, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда озод қилинади:

- 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларида - 3 йил муддатга;
- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларида 10 миллион АҚШ долларида - 5 йил муддатга;
- 10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳам хорижий инвестициялар кириб келишини янада кенгайтириш учун хизмат қилади.

Айниқса, алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1442-сонли Қарори асосида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши билан бирга, мамлакатимиз иқтисодиётининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишини кўзда тутди.

Юқорида келтирилган бир нечта ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида қуйидаги меъёрий ҳужжатлар инвестиция фаолиятини ташкил қилиш тартибини белгилаб беради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-927-сонли қарори билан тасдиқланган “Чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб қилиш ва ўзлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 15 августдаги 174-сонли қарори билан тасдиқланган “Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредитлар бераётган тижорат банклари томонидан фойда солиғи бўйича имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 11 январда 2312-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2011 йил 12 декабрдаги 80, 2011-34, 14-сонли қарори билан тасдиқланган “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси маълумотларига⁴⁴ кўра, бугунги кунда мамлакатимизда чет эл инвестициялари қонунчилиги янада такомиллаштирилмоқда.

Айни пайтда чет эл инвестицияларини жалб этиш соҳасидаги қонунчиликнинг таҳлили натижалари “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги

⁴⁴Тошматов Қ., Жумаев А. “Чет эл инвестициялари қонунчилиги такомиллаштирилмоқда.” “Биржа” иқтисодий газетаси, №10(1421), 2012 йил 26 январь.

Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги эътироф этилади. Мазкур қонун лойиҳасида чет эл инвестицияларини, айниқса, саноатнинг юқори технологик соҳаларига жалб этишни янада рағбатлантириш, мамлакатдаги инвестицион муҳитни такомиллаштириш ҳамда чет эл инвесторлари фаолияти учун янада қулай шароитларни яратишга қаратилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Масалан, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида киритилаётган ўзгаришлардан бири – чет эл инвестициялари ва реинвестициялар тушунчаларини аниқлаштириш ҳамда уларнинг мазмунини кенгрок баён этишдан иборат бўлмоқда. Бунда чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромадни муомалага киритиш чет эл инвестицияси ҳисобланиши белгиланмоқда. Таклиф этилаётган ўзгаришни амалдаги ҳолат билан қиёслайдиган бўлсак, бунда асосан тадбиркорлик фаолияти объектлари алоҳида қолдирилган ва бошқа турдаги фаолият объектлари жумласи чиқариб ташланган. Шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган даромад эмас, балки унинг муомалага киритилиши жумласи қўшимча қилинган.

Чет эллик инвесторлар томонидан Ўзбекистонда инвестициялашдан олинган ҳар қандай маблағ, жумладан, фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, техник хизмат кўрсатиш учун тўловлар ва бошқа шаклдаги мукофот пуллари ҳисобига мамлакатимиз ҳудудида қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик объектларига қўшиладиган даромадни Ўзбекистонда муомалага киритиш эса реинвестиция деб эътироф этилмоқда. Бу аниқликлар чет эл инвестицияларини грантлар, гуманитар ёрдамлардан фарқлаш имконини беради.

Чет элларда доимий яшайдиган жисмоний шахслар айти вақтда Ўзбекистон фуқароси эканлиги инобатга олинган ҳолда улар чет эл

инвесторлари ҳисобланмаслиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, амалдаги қонуннинг 4-моддасига ўзгартиш киритилиб, унда чет давлат фуқаролари бўлмиш жисмоний ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар чет эллик инвесторлар саналиши қайд этилмоқда.

Амалдаги қонунда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, уларни давлат рўйхатига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилиши белгиланган. Қонун лойиҳасида бундай корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда тегишли рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш мамлакатимиздаги мавжуд қонунчиликка мувофиқ, “ягона ойна” тамойилига асосан йўлга қўйилиши ҳақидаги қўшимча таклиф этилмоқда. Шу билан бирга, бошқа бир нечта ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Баён қилинган мамлакатимизда инвестиция фаолиятини тартибга солувчи асосий қонунлар ҳамда қатор қонуности ҳужжатлари истиқболли инвестицияларни амалга ошириш ва инвестицион фаолликни оширишни рағбатлантиришга замин яратади.


2.2. Инвестициялар соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва натижалари

Маълумки, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган туб таркибий ислоҳотлар ва иқтисодиётни модернизациялаш жараёни инвестициялар билан бевосита боғлиқдир. Шу жиҳатдан келиб чиқиб айтишимиз керакки, бугунги кунда иқтисодиётимизда инвестицияларнинг нафақат кўлами, балки уларнинг самарадорлигини янада ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали бери давом этаётган вазиятга қарамадан мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар ва фаол инвестиция сиёсати натижасида сўнгги йилларда

барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришилмоқда. Хусусан, 2004 йилдан бошлаб мамлакатимизда барқарор юқори иқтисодий ўсиш таъминламоқда. Айнан шу йилдан эътиборан 7 фоиздан кам бўлмаган иқтисодий ўсишга эришилаётган бўлиб, ушбу кўрсаткичлар билан жаҳон мамлакатлари орасида иқтисодий ўсиш даражалари бўйича санокли мамлакатлар қаторидан жой олмоқда. Айниқса, глобал молиявий инқироз давом этаётган бир шароитда сўнгги беш йил давомида йиллик ўсиш ўртача 8,5 фоиздан ортиқни ташкил этаётгани замирида мамлакатимизда амалга ошираётган кенг қамровли ислохотлар, фаол инвестиция сиёсатининг амалий натижаси ётади.

Мамлакатимизда инвестиция жараёнлари иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизация қилишга йўналтирилган бўлиб, бунинг натижасида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини мустаҳкамлаш ва энг муҳими аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган.



2.2.1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш динамикаси, фоизда⁴⁵


Мустақилликка эришган дастлабки йиллардан эътиборан мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг тузилмавий тизимларини шакллантириш чоралари кенг миқёсда амалга оширила бошланди, хусусан,

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида.

хусусийлашлаштириш ва иқтисодиётнинг янги тармоқларини яратиб, бир ёқлама иқтисодиётдан воз кечиш муҳим аҳамият касб этди.

Бу борада Президентимиз алоҳида, “Чет эл инвестицияларини манфаатли тарзда республикага жалб этиш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, етишиб чиққан тадбиркор-ишбилармонларга кенг имконият яратиб бериш, ташқи бозорларга чиқиш ва ички бозорни товарлар билан бойитиш зарур⁴⁶”- деб таъкидлаб ўтиши тараққиётимиз дастлабки даврининг муҳим вазифаларидан бирига айланди.

2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоизга ортиқни ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,4 фоизга ошганлигининг гувоҳи бўламиз⁴⁷.



2.2.2-расм. 2005-2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар динамикаси, фоизда⁴⁸.

Иқтисодиётдаги шу каби ижобий ўзгаришлар инвестиция сиёсатини самарали олиб боришга чамбарчас боғлиқ бўлиб, мамлакатимизда

⁴⁶ Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”//Т.:Ўзбекистон, 2011, 418-бет.

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида.

инвестицион жараённинг шаклланиши ҳам бозор иқтисодиётини босқичма-босқич қарор топтириш ёндашуви асосида қуйидаги ҳолатлар билан тавсифланади.

Дастлаб, 1991 йилдан 1994 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу даврда иқтисодиётдаги кескин пасайиш ҳолати, жумладан, капитал қўйилмалар ҳажмининг тўрт йил мобайнида қарийб икки баробар қисқариши кузатилди.

1995 йилдан 2000 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган иккинчи ҳолатнинг муҳим жиҳати миллий иқтисодиётнинг ўсиш фазасига эришгани билан тавсифланади. Бу даврда инвестиция фаолиятининг таянч ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Инвестициялар таркибида сезиларли ўзгаришлар содир бўлиб, давлат бюджетидан молиялаштириш улуши 40 фоиздан қарийб 20 фоизгача пасайиши кузатилди ва бу ҳолат шу даврда бозор иқтисодиётининг қарор топиб бораётганлиги билан изоҳланади. Натижада иқтисодиётда сезиларли таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, хусусан транспорт ва алоқа, автомобилсозлик каби соҳаларнинг ривожланишига кенг имконият яратилди.

2001-2006 йиллар эса мамлакатимизда инвестиция фаолияти ривожланишининг янги босқичга кўтарилиши билан ажралиб туриб, иқтисодиётда инвестицион жараённинг фаоллигининг ошиши, хорижий инвестициялар ва кредитлар учун қулай инвестицион муҳит янада такомиллаштирилиб борилди. Иқтисодиётни либераллаштириш жараёнининг чуқурлашуви нодавлат секторнинг инвестицион фаоллигини ошишига замин яратди. Хусусан, марказлашмаган инвестициялар ҳажми шу давр мобайнида икки баробардан ортиқроққа ошди.

2007 йил ва ундан кейинги йилларни ўз ичига олган давр моҳиятига кўра олдинги йилларнинг мантиқий давоми бўлиб, лекин юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришилганлиги, глобал молиявий инқироз шароитига қарамасдан иқтисодий ва инвестицион фаолликнинг таъминланганлиги каби жиҳатлар билан алоҳида ажралиб туради. Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш

жоизки, 2011-2015 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ўз ичига олган дастур бу даврнинг яна бир аҳамиятли хусусиятини ўзида намоён этади.

Макроиқтисодий барқарорликка эришилиши, ислохотларнинг самарали олиб борилиши ва инвестиция муҳитининг такомиллаштирилиши натижасида иқтисодиётга киритилаётган капитал қўйилмалар ҳажми 2010 йилда 1990 йилдагига нисбатан 11,6 баробар ўсишига олиб келди. Бунда алоҳида аҳамиятга эга жиҳат молиялаштириш манбалари таркибидаги ўзгаришлар билан изоҳланади. Бугунги кунда иқтисодиётда бирмунча юқори суръатлар билан марказлашмаган манбалар, айниқса, хусусий ва тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг улуши ортиб бормокда. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз инвестиция портфелида хорижий инвестициялар деярли мавжуд бўлмаган бўлса, 2000 йилда уларнинг улуши 23,2 фоизни, бунда ҳукумат кафолати билан жалб этилган хорижий инвестиция ва кредитлар 19,8 фоизни, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар эса 3,4 фоизни ташкил этди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб таркибий ислохотларнинг чуқурлашуви ва инвестицион фаолликни ошириш борасидаги чоралар самараси ўларок, 2011 йилда чет эл инвестицияларининг жами капитал қўйилмалар таркибидаги улуши 25,1 фоизни, бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 18,5 фоизни ва ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар 6,6 фоизни ташкил этди. Яна бир муҳим кўрсаткич шундан иборатки, агар 1990 йилда иқтисодиётга киритилган инвестицияларнинг 46 фоиздан ортиғи давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар ва бошқа марказлашган манбалар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, 2010 йилда марказлашган манбаларнинг улуши 13 фоизга тушди. 1990-2010 йилларда, иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида ишлаб чиқаришга жалб

килинган инвестицияларнинг улуши ўсиб, умумий капитал қўйилмалар ҳажмидаги 58,3 фоиздан 73,5 фоизга етди.

Мамлакатимизда асосий капиталга жалб қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида марказлашган инвестициялар салмоғи 2000 йилдан эътиборан пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда ва ўз навбатида, бу ҳолат бозор иқтисодиётининг муҳим белгилари натижаси сифатида изоҳланади (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал.

Ўзбекистонда асосий капиталга қўйилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибининг ўзгариши, фоиз ҳисобида⁴⁹

Молиялаштириш манбалари	Йиллар								
	1996	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Жами инвестициялар	100	100	100	100	100	100	100	100	100
1. Марказлашган инвестициялар	40,1	50,2	23,4	22,5	20,1	20,0	20,1	18,5	17,5
1.1. Бюджет маблағлари	24,0	29,2	12,2	10,4	9,0	9,0	8,1	7,8	6,0
1.2. Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	-	1,2	4,8	6,8	6,1	6,3	7,4	7,0	7,6
1.3. Давлат кафолати остида олинган хорижий кредитлар	16,1	19,8	6,4	5,3	5,0	4,7	4,6	3,7	3,9
2. Марказлашмаган инвестициялар	59,9	49,8	76,6	77,5	79,9	80,0	79,9	81,5	82,5
2.1. Корхоналар ва аҳоли маблағлари	51,9	39,1	57,5	60,2	59,0	53,9	46,9	47,3	50,2
2.2. Тижорат банклари маблағлари	8,0	7,3	3,8	4,1	3,1	5,0	5,2	9,1	11,1
2.3. Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	-	3,4	15,3	13,2	17,8	21,1	27,8	25,1	21,2

Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан – корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари

⁴⁹ Муминов Б.Ш. “Ўзбекистон иқтисодиётида марказлашган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш йўллари”. 08.00.07-“Молия, пул муомаласи ва кредит”. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 й. 11-бет.

хисобидан шакллантирилмоқда⁵⁰.

Мамлакатимизда инвестициялар соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши янги ва юксак технологияларга асосланган, илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хом ашё ресурсларни чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга қаратилган.

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда жаҳондаги энг йирик АҚШнинг “Женерал Моторс”, “Тексако”, Германиянинг “МАН”, “Даймлер Бенц”, “Клаас”, Буюк Британиянинг “БАТ”, Испаниянинг “Максам”, Япониянинг “Исузу”, “Иточу”, Малайзиянинг “Петронас”, Кореянинг “Корейн Эйр”, “LG”, Хитойнинг “CNPC”, Россиянинг “Лукойл”, “Газпром” каби компаниялари, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки сингари йирик халқаро молия ташкилотлари, Жанубий Корея, Япония, Хитой ва бир қатор араб давлатларининг инвестиция банклари мамлакатимизнинг асосий ҳамкорлари бўлмоқда⁵¹.

Иқтисодиётнинг стратегик аҳамиятга эга тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни ва шунингдек, самарали таркибий ўзгаришлар ва инвестиция сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ташкил топган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ушбу жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751-сонли Фармонида биноан иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник

⁵⁰ Каримов И.А. “2012 йил – Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.”//”Халқ сўзи” газетаси, №14, 2012 йил 20 январь.

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. Т.:”Ўзбекистон” НМИУ, 2011.

кайта қуроллантириш, мамлакатимизнинг барқарор динамик равишда ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиш ҳамда таркибий ва инвестицион сиёсатни амалга ошириш мақсадида ташкил қилинган бўлиб, дастлаб унинг устав капитали 1,0 миллиард АҚШ доллари миқдорида белгиланди. Ҳозирги вақтда ушбу Жамғарма капитали 9 миллиард доллардан ошиб кетди. 2012 йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етакчи тармоқларида 758 миллион доллардан зиёд ҳажмдаги 29 та стратегик инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаш мўлжалланмоқда, бу ўтган йилга нисбатан 38,2 фоизга кўп демакдир⁵².

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ролини ошириш ҳамда иштироки кўламини кенгайтириш, саноатнинг етакчи тармоқларида ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидаги стратегик инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаш ҳажмларини кўпайтириш учун Жамғарманинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 9 мартдаги ПҚ-1725-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 11 августдаги ПҚ-1387-сонли қарорига мувофиқ Жамғарманинг устав капитали 10 миллиард АҚШ доллари миқдорида шакллантирилганлиги маълумот учун қайд этиб ўтилган ҳамда 2012-2016 йиллар мобайнида Жамғарманинг устав капиталини босқичма-босқич 15 миллиард АҚШ долларига етказилиши белгиланди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари билан бирга инвестицияларни амалга ошириш йўналиш ва соҳалари ҳам улардан фойдаланиш самарадорлигини белгилаб беради. Бу борада

⁵² Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.”// “Халқ сўзи” газетаси, №14, 2012 йил 20 январь.

мамлакатимиздаги туб таркибий ўзгаришлар натижасида иқтисодиёт тармоқлари бўйича инвестициялар таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Мисол тариқасида қайд этадиган бўлсак, мустақилликнинг дастлабки йилларида инвестицияларнинг 41-42 фоизи ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилган бўлса, бугунги кунга келиб эса қарийб 75 фоизи реал ишлаб чиқариш тармоқларига сарфланмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг тараққиёти хусусида фикр юритилар экан, асосий эътибор иқтисодиётга киритилган инвестициялар ва уларнинг салмоғига қаратилади. Зероки, иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида инвестициялар ҳажми ва уларнинг оқилона жойлаштирилиши муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан мамлакатимизда ҳар йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаб олишда инвестицияларни кенг жалб этиш, айниқса, хорижий инвесторлар учун янада қулай муҳитни яратишга алоҳида урғу бериб келинмоқда.

Натижада республикада иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилинди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ҳар йили 3,0 миллиарддан кўпроқ асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда, мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестиция умумий ҳажмининг 26,6 фоиздан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу эса хорижий инвесторларнинг республика иқтисодиёти барқарорлиги ва пишиқ-пухталигига, уни ривожлантириш истиқболларига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганлигидан яққол далолат беради⁵³.

Кўрсаткичлар таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган бир шароитда ҳам Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олмоқда. Бунга, албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган

⁵³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4434-сонли Фармони.

ва узоқ стратегик мақсадларни кўзлаган инвестицион дастурлар ҳамда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлмоқда. 2006-2010 йиллар давомида давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 2010 йилда 2006 йилга қараганда 3,6 баробарга кўпайган. 2010 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг қарийб 84 фоизини, ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар эса атиги 16 фоизини ташкил этган. Ваҳоланки, 2006 йилда ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг 23,7 фоизини ташкил қилган.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ва бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, жаҳонда инвестициялар учун қатъий рақобатли кураш изчил давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини ўтказиш, маблағларни мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи устувор йўналишларда ҳамда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойилларидир.⁵⁴

Иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлаштириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва шу асосда миллий иқтисодиётимизни барқарор ва жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон

⁵⁴ Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш.”// Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2010. – 86-б.

Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-1668-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан тасдиқланган 2012 йилга мўлжалланган инвестиция дастурининг асосий кўрсаткичлари 2.2.2-жадвалда акс эттирилган.

2.2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги инвестицион дастурининг асосий кўрсаткичлари⁵⁵

№	Молиялаштириш манбалари	2012 йилга прогноз, млн. сўм
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	23 679 701
1.	Марказлашган инвестициялар:	5 740 892
1.1.	Бюджет маблағлари	1 059 354,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан:	1 431 777
	- Республика йўл жамғармаси	680 796
	- Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	158 147
	- Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	545 836
	- Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини ривожлантириш жамғармаси	46 997,6
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 432 400
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан:	1 701 901
	Қишлоқ жойларида уй-жойларни қуриш (сўм эквивалентида)	301 564
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	17 938 809
2.1.	Корхона маблағлари	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан:	3 524 824
	АТБ “Қишлоқ қурилиш банки” нинг қишлоқ жойларида уй-жойларни қуриш учун имтиёзли кредитлари	222 070
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	4 340 656
2.4.	Аҳоли маблағлари	3 237 604

Турли манбалар ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилган

⁵⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-1668-сонли Қарори.

мамлакатимизнинг 2012 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини молиялаштириш маблағлари таркибини кўриб ўтадиган бўлсак, бунда энг юқори улушга эга бўлган муҳим манба корхоналар маблағларининг салмоғи 28,9 фоиз, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари 18,4 фоиз, аҳоли маблағлари 13,7 фоиз, тижорат банклари кредитлари 14,9 фоиз, ҳукумат кафолати остидаги чет эл инвестициялари 7,2 фоиз, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари 6,0 фоиз, бюджет маблағлари 4,0 фоиз, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари 6,0 фоиз, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди маблағлари 0,5 фоиз даражасида улушга эга.

Ўзбекистонда инвестициялар соҳасидаги устувор йўналишлардан яна бири эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги ПҚ-4059-сонли қарорига мувофиқ Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этиш этилди.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши - замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатдош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат этиб белгиланган.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасининг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этади, бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин.

ЭИИЗ фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг унинг ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш ва чиқиб кетишнинг, шунингдек, улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади;

“Навоий” эркин индустриал-иктисодий зонасида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилган:

3 миллион евродан 10 миллион еврогача - 7 йилга;

10 миллион евродан 30 миллион еврогача - 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади;

30 миллион евродан ортиқ бўлганда - 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади.

Шундай тартиб белгиланганки, унга кўра ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади.

Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган

ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона муваффақиятли фаолият юрита бошлади, унинг ҳудудида янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтказгичлар, компрессорлар, рақамли телевизион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, модемлар, полиэтилен ва полипропилен қувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди⁵⁶.

Ушбу йўналишдаги ишларнинг амалий давоми сифатида, юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек, Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелда “Ангрен махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги ПФ-4436-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонда “Ангрен” махсус индустриал зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилар этиб белгиланган:

– ички ва жаҳон бозорларида рақобатдош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасида қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

– махсус индустриал зонага кирувчи минтақанинг ишлаб чиқариш ва

⁵⁶ Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.”//”Халқ сўзи” газетаси, №14, 2012 йил 20 январь.

ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хом ашё ресурсларини янада чуқурроқ қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

– махсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

– транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳамда самарали фойдаланиш, “Ангрен” логистика маркази салоҳиятини, юкларни автомобиль ва контейнерларда ташиш борасида яратилган тизимни янада ривожлантириш ҳамда улардан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш.

2.3. Мамлакатимизда инвестицион самарадорликни таҳлилий баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ривожланаётган мамлакатларда инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун, иқтисодиётни ривожлантиришда жалб этилаётган инвестициялар улушини ЯИМга нисбатан доимий равишда ортиб бориши аҳамиятли бўлиб саналади.

Ўзбекистонда инвестициялар самадорлигини оширишнинг муҳим ўзига хослиги шундаки, бунда киритилаётган инвестициялар асосан янги замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва модернизация қилиш мақсадларига йўналтирилгани бўлиб ҳисобланади.

Жами инвестицияларнинг 73,5 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий, юксак самарали асбоб-ускуналар харид қилишга

йўналтирилгани айниқса муҳимдир⁵⁷.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда эришилаётган юқори иқтисодий ўсиш суръатлари иқтисодиётга йўналтирилаётган инвестициялар билан бевосита боғлиқдир. Иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини баҳолашда фойдаланиладиган кўрсаткичлардан бири ICOR (*incremental capital output ratio*) кўрсаткичи бўлиб, у иқтисодиёт реал секторига йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини аниқлашда ёрдам беради. Иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган ICOR кўрсаткичи ёрдамида мамлакатда инвестицион фаолликнинг умумий ҳолати гавдаланади.

Бу кўрсаткич асосий капиталга қўйилган инвестициялар, яъни ЯИМдаги инвестициялар салмоғининг, кейинги йилдаги ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръатига нисбатини билдиради. Жадвал маълумотларидан кўринадик, 2001-2003 йилларда ICOR кўрсаткичининг даражаси юқори бўлган. Бу эса, мазкур йилларда ялпи инвестицияларнинг ўсиш суръати ЯИМнинг ўсиш даражасидан сезиларли даражада юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

2.3.1-жадвал.

Ўзбекистон иқтисодиёти учун ICOR кўрсаткичлари⁵⁸

Йиллар	Инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан салмоғи, фоизда	ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръати, фоизда	ICOR
2001	26,8	4,2	6,4
2002	19,3	4,2	4,6
2003	19,3	4,4	4,4
2004	20,3	7,7	2,6
2005	20,8	7,0	3,1
2006	19,5	7,3	2,7
2007	19,4	9,5	2,0
2008	22,7	9,0	2,3
2009	26,1	8,1	3,1
2010	24,9	8,5	3,1

⁵⁷ Каримов И.А. “2012 йил – Ватанимиз таракқиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.”//”Халқ сўзи” газетаси, №14, 2012 йил 20 январь.

⁵⁸ Кенжаев Н.И. “Инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилишни такомиллаштириш масалалари.”//08.00.07-“Молия, пул муомаласи ва кредит”. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.:2011.

Кўриб ўтилган мамлакатимизда инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг махсус кўрсаткичи ёрдамида 2011 йилдаги ҳолатни таҳлил қилсак, яъни ўтган йилда мамлакатимизда ЯИМнинг қўшимча ўсиши 8,3 фоизни ташкил этган ҳолда, ЯИМда инвестицияларнинг салмоғи 23,9 фоизда иборат бўлди. Шунга кўра, ICOR кўрсаткичи 2,9 га тенг бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўз навбатида, бу ҳолат шуни англатадики, ЯИМнинг 2,9 фоизига тенг бўлган инвестициялар миқдори 1 фоизлик иқтисодий ўсишни таъминлаган ёки аксинча, 1 фоизлик иқтисодий ўсиш учун ЯИМнинг 2,9 фоизига тенг бўлган инвестициялар сафарбар қилинган.

Айтиб ўтиш мумкинки, жаҳон амалиётида ICOR нинг 3,0 атрофида бўлиши меъёрий ҳолат сифатида баҳоланади.



2.3.1-расм. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш, инвестициянинг ўсиш суръати ва инвестиция ҳажмининг ЯИМдаги улуши⁵⁹

Шунингдек, инвестиция мультипликатори кўрсаткичи инвестицион фаолликни баҳолашда муҳим кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Инвестиция мультипликатори – бу инвестициянинг бир бирликка

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. 77-бет.

ошганида ЯИМнинг неча бирликка ўсишини кўрсатувчи коэффициентдир.

“Мультипликатор” атамаси ғарбий Европа тилларига тааллуқли бўлиб, немис тилида – техникага оид, инглиз тилида – иқтисодий тушунча сифатида ифодаланади.

Мультипликатор техник атама сифатида – бирор механизмнинг фаолиятини кучайтириш учун қўлланиладиган қурилма деб қаралади. Масалан, машина валининг айланиш частотасини ошириш учун тишли гилдирак айланишини ошириш қурилмаси.

Мультипликатор иқтисодий тушунча сифатида Ж. Кейнс томонидан илгари сурилган бўлиб, у ўзининг “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” (1936 йил) асарида ушбу тушунчани илк бора ишлаб чиққан инглиз иқтисодчи-математики Ричард Каннинг “бандлик мультипликатори” тушунчасини ҳам ҳавола қилган.

Кейнс инвестиция мультипликаторига қуйидагича тавсиф беради – “инвестициянинг умумий ҳажми ўсиб бориш ҳолатида даромад даражаси инвестиция ўсишидан k мартага кўп даражада ўсади”.

Инвестиция мультипликаторининг замонавий таърифи шундан иборатки, u - инвестиция харажатларидаги ўзгариш миллий ишлаб чиқариш ҳажмида қандай ўзгариш содир бўлишини ифодаловчи коэффициентдир.

Ўзбекистон шароитида инвестиция мультипликатори даражасини таҳлил қиладиган бўлсак, 2011 йилда инвестициялар ҳажмининг 11,2 фоизга ўсиши ҳолатида ЯИМнинг 8,3 фоизни ташкил этган. Бундан кўринадики, 1 бирликка инвестициянинг ўсиши ЯИМнинг 0,7 бирликка қўшимча ўсишини таъминламоқда.

Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, мустақиллик йиллари давомида мамлакатимизга 35 миллиард АҚШ долларидан ортиқ чет эл инвестициялар жалб этилган. Мазкур инвестицияларнинг аксарият қисми етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди.

Ўзбекистонда инвестициялар кўлами ва самарадорлигини оширишда саноатни барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, саноат тармоқларини диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрда “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1442-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда саноатни ривожлантиришнинг комплекс дастури ва модернизация қилиниши, техник ва технологик янгиланиши, янгидан барпо этилиши кутилаётган йирик инвестицион лойиҳалар акс этган бўлиб, қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб берилган:

- таркибий жиҳатдан етакчи ўринга эга тармоқлар ва умуман, саноатни ривожлантиришнинг аниқ, чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйланган узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш, шу асосда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш;

- республикада ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг рақобатдошлигини ошириш, миллий саноат ва умуман иқтисодиётни ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткич ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимоотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни жадал ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта

ишлаш, курилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;

– саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

– ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хомашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

– ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш;

– меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобидан саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;

– саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш.

Келтирилган устувор йўналишларни амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан қарийб 50 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 519 та лойиҳани ўзлаштириш кўзда тутилган. Шундан молиялаштириш манбалари аниқ бўлган инвестицион лойиҳаларнинг сони 260 тани ташкил этади.

Ишлаб чиқиладиган янги инвестиция лойиҳалар қаторида 6,03 миллиард АҚШ доллари қийматига эга бўлган 99 та йирик тармоқ лойиҳаси, 412 миллион АҚШ долларига тенг 442 та ҳудудий лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар йили саноатни ривожлантириш учун ўртача 10 миллиард долларга тенг бўлган инвестицион маблағлар иқтисодиётга жалб қилинади. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринларини ташкил этишни ва қўшимча даромадларнинг шаклланишини, шунинг билан бирга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлган ЯИМнинг ўсишини таъминлашга ва натижада аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Магистрлик диссертациясининг иккинчи бобида мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, инвестиция фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, инвестициялар соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва сўнгги йилларда эришилаётган ижобий натижа ва тенденциялар, инвестицион самарадорликни баҳолаш механизми сингари мавзунинг муҳим йўналишлари ўрганилиб, таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятининг мустақам ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, энг аввало, улар “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги

Қонунларда ўз ифодасини топади. Шунингдек, бир қатор тегишли қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари инвестиция фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва ташкиллаштиришга хизмат қилади.

Инвестициялар соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишлари қаторида янги ва юксак технологияларга асосланган, илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хом ашё ресурсларни чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш, хорижий инвестицияларни узоқ муддатли асосда тўғридан-тўғри шаклда иқтисодиётга жалб қилишни рағбатлантириш, инвестицияларни аниқ мақсадли ва манзилли тарзда жойлаштириш сингари йўналишлар алоҳида ажралиб туради.

Албатта, ушбу йўналишлар мамлакатимизда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигининг муҳим жиҳатларини белгилаб бермоқда. Айниқса, киритилаётган инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга, бунда жами инвестицияларнинг ярмига яқини замонавий, юксак самарали техника ва технологияларини харид қилиш учун йўналтирилаётгани муҳим аҳамият касб этади.

3-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Қулай инвестиция муҳити – инвестициялар самарадорлигини оширишнинг муҳим омили

Маълумки, инвестиция муҳити инвестицияларнинг кўлами ва самарадорлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Инвестиция муҳити - муайян мамлакатга (ёки ҳудудга) инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини белгилайдиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитлар мавжудлигининг ижобий ва салбий томонларини англатади⁶⁰.

Фикримизча, шу ўринда қўшимча киритиб ўтишни жоиз деб топдик ва муайян мамлакатга (ёки ҳудудга) инвестициялар киритиш жумласи билан бирга алоҳида олинган соҳага жумласини ҳам қўшиш мақсадга мувофиқ саналади. Чунки, алоҳида соҳалар бўйича инвестициялар кўламини кенгайтириш мақсадида мазкур соҳаларга нисбатан махсус шарт-шароитлар шаклланган бўлиши мумкин ва соҳалар бўйича ҳам инвестиция муҳити турлича бўлади.


2011 йилнинг ўзида Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторига қарийб 2 миллиард 900 миллион доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинган бўлиб, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан иборатдир.

Лекин ушбу кўрсаткичлар мамлакатимизда инвестицион салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмоқда, деб хулоса қилишга асос бўла олмайди. Чунки бу хусусда Президентимизнинг “Хорижий шерикларимиз билан ўзаро

⁶⁰ Имомов Х.Х. “Инвестицион муҳитни яхшилаш ва унинг жозибадорлигини оширишнинг молиявий асослари”, 08.00.07-“Молия, пул муомаласи ва кредит”. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2011 й. 8-бет.

хамкорликни чуқурлаштириш, мамлакатимизда янада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз етарли”⁶¹, ҳамда “Мамлакатимизда яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш борасида ҳам ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд. Биз ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш учун катта маблағ сарфлаймиз, кўп миқдордаги хорижий инвестицияларни жалб этамиз”⁶², дея таъкидлаб ўтган фикрлари ушбу йўналишдаги ишларимизни янада чуқурлаштириш вазифасини юклайди.

Қулай инвестиция муҳитини таъминлашда бир қатор омиллар муҳим ўрин тутди (3.1.1-расм).



3.1.1-расм. Қулай инвестиция муҳитини таъминловчи асосий омиллар⁶³

⁶¹ Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.”//”Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.

⁶² Каримов И.А. “2012 йил - Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.”// “Халқ сўзи” газетаси, №14, 2012 йил 20 январь.

⁶³ Муаллифнинг илмий изланишлари асосида тузилди.

Иқтисодиётга йўналтирилаётган инвестициялар кўламининг ўсиб бориши асосида қулай инвестиция муҳитининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу ўринда республикамизда қулай инвестиция муҳитини таъминлашга хизмат қилувчи асосий шарт-шароит ва омилларнинг мазмуни ва аҳамиятини батафсилроқ баён қилиш мақсадга мувофиқдир.

Сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик. Мамлакат миқёсида ва минтақада тинчлик ва осойишталикнинг ҳукм суриши, сиёсий зиддиятларнинг юзага келмаслиги, давлат томонидан барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар ва Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 100 дан ортиқ халқ ва элатлар учун яратиб берилаётган тенг имкониятлар, ҳар бир шахс, ҳар хўжалик юритувчи субъектларга ўз имкониятларини тўлақонли намоиш этишлари учун барча шароитларнинг мавжудлиги. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаб, уни изчил амалга ошириши натижасида МДХ давлатларидан фарқли равишда, ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўйилмасликка эришди. Ўзбекистон иқтисодиёти 1997-2003 йиллар давомида йилига 3,8-5,2 фоиз ўсиш суръатлари билан ривожланди. Қулай ишчан муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнларининг натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти 2004 йилдан эътиборан йилига 7-9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намоиш қила бошлади⁶⁴. Айни пайтда, дунё ҳамжамиятини саросимага солган, бир қатор мамлакатлар иқтисодиётига катта талофатлар етказиб, издан чиқарган глобал молиявий-иқтисодий инқироз жараёнларининг мураккаб ва оғир синовларидан ўтаётган мамлакатимизнинг ўзига хос

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 13 б.

таракқиёт йўли ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш орқали янада самарали ва мустаҳкам бўлиб бормоқда.

Табиий иқлим шароити ва қулай географик жойлашув, бой табиий ресурслар салоҳияти. Мамлакатимиз иқлим шароити анча қулай бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, айниқса қишлоқ хўжалиги учун ғоят муҳим бўлиб саналади. Шунингдек, республикада бой табиий ресурслар захиралари мавжуд. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг чоррахасида жойлашган бўлиб, самарали минтақавий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, минтақавий ва трансмиллий лойиҳаларда иштирок этиш учун қулай транспорт коридорларига эга мамлакатдир⁶⁵.

Бозор инфратузилмасининг ривожланганлиги. Ўзбекистонда инфратузилманинг турли йўналишлари, жумладан, молия-кредит инфратузилмаси, транспорт инфратузилмаси, алоқа коммуникация тармоқлари ва бошқа инфратузилма хизматлари фаол ривожланмоқда. Мамлакатимизда инвестицион жараёнларни янада фаоллаштиришда банк тизимининг роли алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикада 30 та тижорат банки фаолият кўрсатиб, уларнинг 3 таси давлат тижорат банки, 13 таси акциядорлик тижорат банки, 9 таси хусусий банк ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банк ҳисобланади. Уларнинг 822 та филиали томонидан республикада барча ҳудудларида мижозларга банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Банк муассасалари тармоғининг кенгайиб бораётгани банклар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизмат турлари сифати ва кўламининг ошиб боришига имкон берди. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари муҳим инвестиция институти ҳисобланади. Чунки иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва модернизация қилиш, корхоналарда ишлаб чиқаришни технологиялар билан қайта жиҳозлаш мақсадида қўйиладиган инвестицияларни маблағлар билан таъминлашни банклар иштирокисиз

⁶⁵Юлдашев Р.З. «Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект». Монография-Т.: Иқтисодиёт, 2009. – С.93

тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан 2012 йилги Инвестиция дастурида 3 524 824 млн. сўм маблағ айнан, тижорат банклари томонидан кредит маблағлари сифатида йўналтирилиши кутилмоқда. Ушбу рақам умумий марказлашмаган инвестицияларнинг 19,6 фоизини ташкил этади.

Республикада транспорт инфраструктураси бўлмиш, темир йўллари, автомобил йўллари ҳамда ҳаво йўллари яхши йўлга қўйилган. Темир йўлларимизнинг узунлиги 6,5 минг км., автомобил йўлларимизнинг узунлиги 43,5 минг км.га тенг. Миллий авиакомпаниямизда мунтазам равишда 40 дан ошиқ чет эл шаҳарларига тўғридан-тўғри рейслар амалга оширилади, шунингдек, жаҳоннинг 24 та давлатида 43 дан ошиқ ваколатхонасига эга⁶⁶.

Инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатланганлиги. Ўзбекистонда инвесторлар манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, ўз навбатида турли қонун ҳужжатлари орқали таъминланади. Ушбу қонун ҳужжатлари юқоридаги бобларда кўриб ўтилди.

Солиқ, божхона ва бошқа тўловларга оид имтиёзларнинг тақдим қилиниши ҳам инвестицион фаолликни оширишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар учун инвесторларга қатор имтиёз ва преференциялар яратилган ва уларнинг кафолати қонун билан мутахкамлаб қўйилган. Хусусан, улар мулк солиғидан, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган фойда солиғидан ҳамда бир қатор божхона божларини тўлашдан озод этилган.

Ишчи кучи ресурслари ва уларнинг малакаси. Республикамизда юқори салоҳиятга эга бўлган мутахассис кадрлар мавжуд бўлиб, аҳоли саводхонлиги даражаси қарийб 100 фоизни ташкил этади. Биргина таълим соҳасини оладиган бўлсак, мамлакатимизда ўз мазмун ва моҳиятига кўра ноёб бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли амалга

⁶⁶Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. 19-бет.

оширилмоқда. Ушбу дастур ўн икки йиллик яхлит мажбурий узлуксиз таълим тизимига ўтиш ҳамда таълим жараёнларининг сифатини тубдан ва тизимли оширишга, кадрларнинг юксак даражадаги умумий ва касбий маданиятга эга бўлган янги авлодини тарбиялашга қаратилган махсус чоратadbирларни кўриш имконини берди.

Давлатнинг халқаро муносабатлардаги фаол иштироки. Ўзбекистонда мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб ташқи сиёсат, халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга жиддий эътибор билан қаратилди. Натижада, айтишимиз мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти интеграциялашувининг ажралмас бўғинига айланиб улгурди. Нуфузли халқаро сиёсий, иқтисодий ташкилотларнинг расмий аъзоси ва ҳамкорига айланди. Дунёнинг 150 дан зиёд давлатлари билан турли йўналишлардаги дипломатик алоқалар йўлга қўйилди. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва шу билан бирга бир қатор йирик трансмиллий компаниялар билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида иқтисодиётни янада либераллаштириш, қулай бизнес муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолияти устидан текширувлар сонини қисқартириш, ҳисоботлар тақдим қилиш жараёнини соддалаштириш, турли бюрократик тўсиқларни бартараф этиш чоралари инвестициялаш жараёнининг жадаллашишига замин яратмоқда.

Аҳоли турмуш тарзи ва даромадлари. Мамлакат аҳолисининг турмуш тарзи ва сифати, ўртача даромад даражаси инвестицион жараёнга бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб саналади. Албатта, аҳоли товар ва хизматларнинг асосий истеъмолчиси бўлиб, уларнинг даромадлари миқдори товар ва хизматларга бўлган талабни белгилаб беради. Даромадларнинг юқорилиги ўз навбатида мамлакатдаги ички талабни рағбатлантириб, инвестицион жараёнларнинг кенгайишига хизмат қилади. Бу борада

Ўзбекистонда юқори натижаларга эришилаётган бўлиб, хусусан 2011 йилда республикада иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди⁶⁷.

Мамлакатимиз иқтисодиётини туб таркибий ўзгартириш шароитида аҳоли даромадлари таркибида қатор ўзгаришлар содир бўлди, даромад шакллари ўзгарди, яъни унинг анъанавий турлари (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия) қаторига мутлақо янгилари - тадбиркорлик фаолиятидан, мулкдан, кўчмас мулкдан, қимматли қоғозлардан, чет эл валютасидан келадиган даромадлар қўшилди. Бугунги кунда аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинмоқда.

Мамлакатимизда инвестицион муҳитнинг шакллантирилиши хорижий инвестициялар оқимининг кенгайишига замин яратмоқда. 2012 йилда сўм эквивалентида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг йўналтирилиши 4 340 656 млн. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган.

Келгуси йиллардаги устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун ишончли кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборатдир⁶⁸.

Шунинг натижасида 2011-2015 йиллар давомида охириги 5 йил мобайнида ўзлаштирилган инвестицияларга қараганда 2 баробар кўп, жами 77,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 18,6 миллиард долларни ташкил этади ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 2 баробар кўп бўлади. Уларнинг 75 фоиздан ортиғини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Бу борада қарз маблағлари узок муддатли

⁶⁷ Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”//”Халқ сўзи” газетаси, №14, 2012 йил 20 январь.

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: Статистик тўплам. Т.:”Ўзбекистон” НМИУ, 2011., 122-бет.

асосда фақат ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, хорижий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз тижорат банклари орқали қайта молиялаштириш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилади⁶⁹.


3.2. Инвестициялар самарадорлигини оширишда жаҳон амалиёти ва илғор чет эл тажрибаларидан фойдаланиш

Сўнгги йилларда кузатилган ва ҳали бери давом этиб келаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози глобал иқтисодиётнинг аксарият тармоқларини камраб олиши билан биргаликда инвестициялар оқимиға ҳам сезиларли даражада ўз салбий таъсирини кўрсатди. Ўз навбатида инвестициялар оқимининг пасайиши уларни молиялаштириш манбаларининг қисқариши билан бирга жаҳон иқтисодиётидаги беқарорлик ва инвестицион рискларнинг бирмунча ошиши билан изоҳланади.

Жаҳон миқёсида 2010 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг глобал оқими 5 фоиздан кўпроққа ошишига қарамасдан, инқирозга қадар бўлган даврга нисбатан унинг миқдори 15 фоизга паст бўлган. Айниқса, глобал инвестицияларнинг энг юқори миқдори кузатилган 2007 йилга нисбатан 37 фоизга пастроқни ташкил этган. 2011 йилда эса унинг миқдори 17 фоизга ўсиб, 1500 млрд. АҚШ долларидан ошди. Бу кўрсаткич глобал тўғридан-тўғри инвестициялар оқими инқирозгача бўлган давр даражасига чиққанлигидан далолат беради.

БМТнинг савдо ва ривожланиш масалалари конференциясининг (UNCTAD) баҳолашига кўра, 2012 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўсиши сақлаб қолиниб, қарийб 1,6 трлн. АҚШ долларини ташкил этади.

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: Статистик тўплам. Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2011., 121-122-бет.



3.2.1-расм. Жаҳон иқтисодиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ўзгариши⁷⁰, млрд. АҚШ доллари

Инвестицион оқимларнинг ўсишини чегаралаши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида қуйидагилар илгари сурилмоқда: жаҳон иқтисодиётидаги сусайиш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг қисқариши rischi, Европа минтақасидаги қарздорлик ва бюджет тақчиллиги муаммолари, евро курси тақдирининг ноаниқлиги ва молия бозорларидаги рискларнинг ортиши.

Инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишда ривожланган саноатлашган мамлакатларда инвестиция сиёсатини амалга оширишда қуйидаги учта йўналишга алоҳида эътибор билан қаралади:

- импорт ўрнини босиш стратегиясини ривожлантириш;
- таянч тармоқлар ва экспорт салоҳиятининг мустаҳкамлаш;
- илмталаб соҳалар ва инновацион ишланмаларни ривожлантириш.

Айниқса, эътиборли жиҳат Корея Республикасининг инвестиция стратегиясида намоён бўлади. Ушбу мамлакат хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишда шундай сиёсат олиб борганки, бунда Жанубий Кореяга бошқа ривожланган мамлакатлардан, хусусан АҚШ ва Япониядан инвестициялар жалб қилишда улардаги самарали менежмент услублари ва ишлаб чиқариш технологиясини ўзига татбиқ қилишга интилан.

Малайзиянинг инвестиция сиёсатида эса устувор жиҳат

⁷⁰ <http://inventure.com.ua/main/analytics/analysis/obzor-mirovogo-rynka-pryamyh-investicii-v-2011-godu>

инвестицияларни қайта ишлаш саноатига йўналтириш бўлиб ҳисобланади⁷¹. Ушбу мамлакатда инвестицияларни илмталаб ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш соҳаларига, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари, нанотехнологиялар, юқори малакали хизматлар каби соҳаларга йўналтирилмоқда. Хусусий секторнинг ўзида инвестицияларнинг йиллик ўртача ўсиши 11-12 фоизни ташкил этмоқда. Уларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги салмоғи 50 фоиздан ортиқ бўлиб, сўнгги беш йил мобайнида хусусий инвестицияларнинг умумий миқдори 95 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган.

Малайзияда Саноатни ривожлантиришнинг бош режасига асосан инвестициялар соҳасида қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- инвестицияларни жалб этиш орқали юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва илғор технологик тармоқларни ривожлантириш;
- саноатнинг устувор тармоқлари ривожланишига кўмаклашиш;
- саноатга илғор технологияларни, жумладан, биотехнологиялар, нанотехнологиялар, симсиз узатиш технологиялари, микроэлектромеханик тизимлари, лазер технологияларини татбиқ этишни янада кенгайтириш;
- саноатнинг ўсишида меҳнат унумдорлиги омилининг ролини ошириш;
- миллий саноатнинг халқаро меҳнат тақсимооти тизимига интеграциялашувини чуқурлаштириш;
- илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини янада ривожлантириш ва уларни саноатга татбиқ этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- иқтисодий салоҳият ва рақобатдошликни мустаҳкамлаш мақсадида стратегик ҳамкорлик ва марказлашувни рағбатлантириш.

Шу билан бирга, Малайзияда инвестицион жозибадорликни ошириш

⁷¹ <http://www.ved.gov.ru/articles> сайти маълумотларига асосида.

мақсадида турли солиқ имтиёзлари жорий қилинган бўлиб, бунда инвестиция натижасида олинган фойданинг фақат 30 фоизи дастлабки 5 йил давомида солиққа тортилади. Айниқса, ҳудудларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш йўналишида нисбатан яхши ривожланмаган штатларда фаолият кўрсатувчи инвесторлар фойда солиғидан дастлабки 5 йил давомида тўлиқ озод қилинади.

Японияда ҳам инвестиция сиёсатининг устувор йўналиши юксак технологияларга асосланган ва ресурс тежовчи ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган. Умуман олганда, Япониянинг ривожланиши айнан илмталаб соҳаларнинг ривожлантирилиши ҳамда самарали ишлаб чиқариш техникаларининг татбиқ этилишига таянади.

Япониянинг дастлабки ривожланиш даври тажрибаси шуни кўрсатдики, нафақат янгилик яратиш учун капитал зарур, балки капиталдан фойдаланиш учун ҳам янгилик зарур бўлади. Ушбу иккала йўналиш бир-бири билан узвий боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тўлдириб туради. Бу ҳолат шундай изоҳланади, яъни янгилик яратиш учун муайян капитал зарур бўлса, мавжуд капиталдан самарали фойдаланиш учун янгилик киритилиши тақозо қилинади.

Тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётидаги яна бир аҳамиятли жиҳат инвестиция жараёнида йирик трансмиллий компанияларнинг фаол иштироки, молия бозорининг юқори ривожланганлиги, хусусан, қимматли қоғозлар муомаласининг кенг тарқалганлиги, турли жамғармаларнинг инвестиция фаолиятига жалб қилиш механизмининг юқори даражада таркиб топганлиги билан ажралиб туради.

Ривожланган мамлакатлар инвестиция фаолиятида бой тажриба тўпланган бўлиб, ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш инвестициялаш амалиётини такомиллаштириш ва инвестицияларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради. Бу борада бир қатор ривожланган мамлакатларда инвестиция меъёрининг нисбатан юқори ва барқарор даражасига эришилганлигининг гувоҳи бўламиз.

**Ривожланган мамлакатларда инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан
салмоғи⁷², фоиз ҳисобида**

Мамлакатлар	1990 й.	2000 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Жами жаҳон бўйича	23,5	22,4	22,4	23,1	23,5	23,5	21,4	22,6
АҚШ	17,7	20,6	19,9	20,1	19,1	17,4	13,9	15,1
Япония	32,7	25,4	23,6	23,8	23,7	23,6	20,2	20,2
Буюк Британия	20,2	17,7	17,1	17,5	18,2	16,7	13,5	15,0
Германия	23,2	22,3	17,3	18,1	19,3	19,4	16,5	17,3
Франция	21,7	19,9	20,0	20,9	22,0	21,9	19,1	19,4
Россия	30,1	18,7	20,1	21,2	24,2	25,5	18,9	22,8
Италия	22,3	20,7	20,7	21,6	21,9	21,2	18,9	20,2
Канада	20,9	20,2	22,1	23,0	23,2	23,2	20,9	22,2

Юқорида келтирилган айрим чет эл мамлакатларидаги инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари мамлакатимизга татбиқ қилиш муайян ижобий натижаларни бермасдан қолмайди. Айниқса, Корея Республикаси инвестиция сиёсатининг тажрибаси ўзининг аҳамиятлилиги билан ажралиб туради. Бу борада мамлакатимизда ҳам инвестиция сиёсатининг муҳим устуворликларидан бири айнан хорижий инвестицияларни жалб қилишда узоқ муддатли лойиҳалар асосида илғор техника ва технологиялар киритишга қаратилган. Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, - “Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда.”⁷³

Шу билан бирга, инвестициялардан самарали фойдаланишда бир қатор ривожланган мамлакатлар тажрибаси билан танишганда, инвестициялар асосан илғор технологияларни жорий этиш, инновацион лойиҳаларни

⁷² Муминов Б.Ш. “Ўзбекистон иқтисодиётида марказлашган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш йўллари”. 08.00.07-“Молия, пул муомаласи ва кредит”. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 й., 9-бет.

⁷³ Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”//Т.:Ўзбекистон, 2009, 9-бет.

молиялаштириш, ресурс тежовчи ва экологик талофати кам бўлган, меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилувчи соҳаларга йўналтирилаётганининг гувоҳи бўламиз.

3.3. Қимматли қоғозлар бозори ва лизинг хизматларининг ривож – инвестиция жараёнларини фаоллаштиришнинг таъсирчан йўналиши

Бозор иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланган қимматли қоғозлар ва лизинг хизматлари бозори мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бозор муносабатлари юқори даражада ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори иқтисодий фаолликни акс эттирувчи муҳим омиллардан бири саналади. Бунда энг аҳамиятли жиҳат қимматли қоғозлар бозори ёрдамида жамғармаларни инвестицияларга айлантириш имконияти вужудга келади.

Республикамиз инвестиция жараёнида қимматли қоғозлар бозорини фаоллаштириш зарурати охирги ўн йил мобайнида ушбу бозор ёрдамида жалб қилинган инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши етти фоиздан ошмаганлиги билан изоҳланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида қимматли қоғозлар бозорининг ролини ошириш иқтисодий ривожланишнинг муҳим йўналишларидан бўлиб ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида инвестицияларни фаол жалб қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, иқтисодий муносабатларни жадаллаштириш, нофаол жамғармаларни муомалага киритиш ва энг муҳими, иқтисодий ўсишни таъминлашда таъсирчан аҳамиятга эга.

Қимматли қоғозлар бозорининг инвестиция жараёнидаги иштирокини кенгайтириш бозорнинг рақобатдошлиги, ишончлилиги, барқарорлиги, даромадлилиги каби омиллар билан белгиланади.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг иқтисодиётдаги ролининг ўзгариш тенденцияларини қуйидаги жадвал ёрдамида батафсил кўришимиз мумкин (3.3.1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг иқтисодиётдаги ўрни тобора ошиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, бозорнинг савдо айланмаси 2010 йилда 2005 йилдаги ҳолатдан қарийб ўн баробар ошиб ва ЯИМга нисбатан 2,7 фоизни ташкил этган.

3.3.1-жадвал.

ҚҚБнинг иқтисодиётдаги ролининг ўзгариш тенденциялари⁷⁴

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2005	2006	2007	2008	2009	2010
ЯИМ, млрд. сўм	15210,4	20759,3	28186,2	36839,4	48097	61832,2
ЯИМ ўсиши, фоиз	107,0	107,3	109,5	109,0	108,1	108,5
ҚҚБ савдо айланмаси ҳажми, млрд. сўм	166,3	342,1	396,9	708,3	749,6	1681,1
ЯИМда ҚҚБ савдо айланмаси улуши, фоиз	1,1	1,6	1,4	1,9	1,5	2,7
Акциялар савдо айланмаси ҳажми, млрд. сўм	142,5	330,8	389,7	705,7	748,1	1477,3
ЯИМда акциялар савдо айланмаси улуши, фоиз	0,9	1,6	1,4	1,9	1,5	2,39
Облигациялар савдо айланмаси ҳажми, млрд. сўм	23,8	11,3	7,2	2,6	1,5	203,8
ЯИМда облигациялар савдо айланмаси улуши, фоиз	0,15	0,05	0,02	0,007	0,003	0,33
ҚҚБ орқали жалб қилинган инвестиция, фоизда	2,4	1,4	4,9	5,7	4,4	6,0

Қимматли қоғозлар бозори савдо айланмасининг ўсишида акциялар савдо айланмаси салмоқли ўринга эга бўлаётганлигини кўриш мумкин. Бунда акциялар савдо айланмаси умумий бозор айланмасининг сўнгги йилларда қарийб 90 фоизини ташкил этмоқда.

⁷⁴ Каримкулов Ж.И. “Ўзбекистон иқтисодиётида қимматли қоғозлар бозори ролини ошириш йўллари”. 08.00.07-“Молия, пул муомаласи ва кредит”. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 й., 13-бет.

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, қимматли қоғозлар савдосини ташкил этишнинг замонавий технология ва усуллари татбиқ этиш орқали ушбу бозорга инвесторларнинг киришини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19 мартдаги “Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши яқин истиқболда миллий қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишининг янги поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Маълумки, 2010 йилнинг 28 декабрида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси билан Корея фонд биржаси ўртасида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик Меморандуми, 2011 йилнинг 23 августида эса Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорини модернизациялаш бўйича Бош шартнома имзоланган эди⁷⁵.

Қарорда қайд этилишича, мазкур бош шартнома асосида Корея фонд биржаси томонидан Ўзбекистон фонд биржасига ягона дастурий-техник мажмуанинг замонавий технология ва ускуналари 2013 йилнинг охиригача ўрнатилади. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад инвесторларнинг қимматли қоғозлар бозорига интернет орқали савдо қилиш имкониятини яратувчи тизимни шакллантириш, натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек, аҳолининг бўш пул маблағларини қимматли қоғозлар бозорига кўпроқ жалб этиш ва бозор фаолиятини кенгайтиришдан иборат.

Ушбу соҳада рўй бераётган ижобий силжишларнинг ёрқин ифодаси бўлган жорий йилнинг 5-8 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган V Тошкент халқаро инвестициявий-молиявий форуми жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистон молия бозорига бўлган қизиқиши ортиб бораётганини яна бир бора тасдиқлади. Форумда 850 дан зиёд халқаро ҳамда маҳаллий молия-банк, лизинг, суғурта, аудиторлик, инвестицион институтлар вакиллари, хусусан,

⁷⁵ Латипова О. “Ўзбекистон фонд бозорида модернизация”//”Биржа” иқтисодий газетаси, №35(1446), 2012 йил 27 март.

30 та давлатнинг 75 та компаниясидан 120 нафар хорижий мутахассис иштирок этди.

Форумда миллий молия бозори ривожланиш ҳолати ва истиқболлари кенг миқёсда баён қилиниб, жумладан, қимматли қоғозлар ва лизинг бозорининг таҳлили ва истиқболлари алоҳида илгари сурилди.

Республикада фонд бозори биржа ва биржадан ташқари бозорларда фаолият қилади. Биржа бозори сифатида “Тошкент” республика фонд биржаси ва биржадан ташқари бозор сифатида “Элсис-савдо” биржадан ташқари электрон тизими, банклараро савдо тизимлари фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жами устав капитали 7,6 триллион сўмдан кўпроқ бўлган 1300 дан ортиқ акциядорлик жамиятлари мавжуд. Акциялар умумий қийматини таркибий жиҳатдан кўрадиган бўлсак, 15 фоизи – банклар томонидан чиқарилган, 16 фоизи – иқтисодиёт тармоқларига тааллуқли, 30 фоиздан ортиғи давлатга карашли, 19 фоизи реализацияга таклиф қилинмоқда, 18 фоизи бошқа акциядорлик жамиятлари ҳиссасига тўғри келади. Бирламчи қимматли қоғозлар бозори айланмаси асосан хусусийлаштириш жараёнидаги акциядорлик жамиятлари ва банклар томонидан чиқарилаётган акциялар ҳиссасидан иборат бўлмоқда. Иккиламчи бозор айланмаси 2011 йил якуни бўйича 911 миллиард сўмни ташкил этди, ҳолбуки, 2010 йилда 585,6 миллиард сўмни ташкил этган эди. Қимматли қоғозлар эгаларининг умумий сони 1 миллион нафардан ортиқни ташкил этмоқда⁷⁶.

“Тошкент” Республика фонд биржаси айланмасининг тармоқлар бўйича тузилмасига кўра, 2011 йилда унинг 64,4 фоизи банклар, 21,6 фоизи саноат соҳаси ҳиссасига, инвесторлар бўйича эса 78,9 фоизи юридик шахслар, 5,7 фоизи банклар, 10,4 фоизи кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар улушига тўғри келган⁷⁷.


⁷⁶ “Бизнес-вестник Востока” газетаси, №58(1479), 2012 йил 6 апрель.

⁷⁷ Тожиева З. “Кенг мулоқот майдони: қимматли қоғозлар бозорида миллий ва халқаро тажриба алмашув.”//“Биржа” иқтисодий газетаси, №40(1451), 2012 йил 7 апрель.

Умуман олганда, мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг савдо айланмаси ҳажми нисбатан кам бўлиши қарамай, ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Иқтисодийни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, барқарор иқтисодий таъминлашда турли манбалар ҳисобидан инвестицияларни жалб этмасдан туриб, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фақат корхона маблағларига таяниш бирмунча самарасиз ҳолат сифатида ифодаланади. Шу сабабли, инвестицияларни молиялаштиришнинг муқобил манбаларидан фойдаланиш, хусусан, иқтисодийнинг реал секторига қимматли қоғозлар бозори орқали инвестициялар жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Инвестицион фаолликни оширишда қимматли қоғозлар бозори билан бирга лизинг хизматлари бозори ҳам алоҳида йўналиш саналади. Айниқса, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, уни диверсификация қилишда юқори техника ва технологияларни татбиқ этишда лизингнинг ўрни бекиёс.


Лизингга берилган мулклар қиймати йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга бўлиб, жумладан, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 484514 миллион сўмлик мулк лизингга берилган бўлиб, унинг ўсиш даражаси қарийб 13 фоизни ташкил этган.



3.3.1-расм. Лизингга берилган мулклар қиймати динамикаси⁷⁸, млн. сўм

⁷⁸ Манба: Ўзбекистон Лизинг берувчилар уюшмасининг маълумотлари.

Сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқларида лизингнинг ўрни тобора ўсиб боришига қарамасдан, унинг инвестициялардаги салмоғи камайиш хусусиятига эга бўлмоқда. Бу ҳолатни жами инвестициялар ҳажмининг ўсиш даражасидан лизинг ҳажмининг ўсиш даражаси нисбатан паст бўлаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.



3.3.2-расм. Ўзбекистон иқтисодиётида лизингнинг тутган ўрни⁷⁹

Мамлакатимиз лизинг бозорида лизинг компаниялари томонидан амалга оширилаётган хизматларнинг салмоғи 65 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда. Бунда етакчи ўринга эга бўлган лизинг компаниялари қаторида “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг”, “O`zavtosanoat-Leasing”, “Ўзбек Лизинг Интернешнл”, “Ўзмелиомашлизинг”, “Қурилиш лизинг”, “Траст Лизинг”, “SifCo International”, “Infinleasing”, “Асака транс лизинг”, “MED Leasing” компанияларини алоҳида қайд этиб ўтиш мумкин.

Лизинг хизматлари бозорида лизинг компаниялари билан биргаликда тижорат банкларининг роли ҳам сезиларли бўлиб, охирги йилларда лизинг хизматларини амалга оширишда уларнинг улуши қарийб 35 фоизни ташкил

⁷⁹ Манба: Ўзбекистон Лизинг берувчилар уюшмасининг маълумотлари асосида.

этноқда. Улардан “Микрокредитбанк”, “Алоқабанк”, “Асакабанк”, “Ҳамкорбанк”, “Ипотека банк” сингари банклар лизинг хизматларини амалга оширишда етакчилик қилиб келмоқда.

Шу ўринда лизинг объектларининг таркибий тузилишига алоҳида аҳамият қаратиш зарур. Бугунги кунда лизингга берилган мулклар ҳажмида асосий ўринни қишлоқ хўжалиги техникалари эгалламоқда, яъни уларнинг ҳиссаси 30 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда. Шунингдек, қарийб 15 фоиз юк автомобилларининг улушига, 14 фоиз кўчмас мулк объектларига, 10 фоиз йўловчи ташиш транспортлари улушига ва яна бошқа объектлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Республикаимиз лизинг бозорида лизинг муддатларининг ўртача давомийлиги 1 йилдан 5 йилгача бўлган даврни ташкил этиб, айрим лизинг берувчилар томонидан 10 йил муддатгача ҳам берилиши кузатилади. Лизинг хизматлари учун фоиз тўловлари йиллик 15-30 фоиз оралиғига тўғри келмоқда. Лизинг объекти учун дастлабки тўлов миқдори объектнинг 20 фоизидан бошлаб ўрнатилмоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикасида инвестиция жараёнларини янада жадаллаштириш ва самарадорлигини оширишда қимматли қоғозлар бозори ва лизинг фаолиятини кенгайтириш, иқтисодий муносабатлардаги ролини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этувчи истиқболли йўналишлардан бўлиб саналади.

Учинчи боб бўйича хулоса

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестицион жараёнларнинг самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифалардан бири саналади. Бунда айниқса, жалб қилинаётган инвестицияларнинг кўлами ва самарадорлигини оширишда мамлакатимизда ҳам макро даражада ҳам микро даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, инвесторлар учун имтиёзли ва рағбатлантирувчи имкониятлар тақдим қилиш, уларнинг фаолият қилиши учун ривожланган инфратузилма

соҳаларини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ўз навбатида, қулай инвестиция муҳитини яратишда мамлакатдаги сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик, мамлакат ҳудудининг географик жиҳатдан қулай жойлашганлиги, ишчи кучи ресурсларининг салоҳияти ва малакаси, инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатланганлиги, мамлакатнинг табиий шароитлари ва ресурслар салоҳияти, ривожланган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма хизматлари, аҳоли турмуш тарзи ва фаровонлиги, тадбиркорлик фаолиятига яратилган имкониятлар сингари шарт-шароит ва омиллар алоҳида ажралиб туради.

Шу билан бирга, инвестицион жараёнларни янада фаоллаштириш ва самарадорлигини оширишда ривожланган мамлакатлар амалиёти ва улардаги илғор тажрибаларни ўрганиш ҳамда татбиқ этиш имкониятлари ҳар қандай ривожланаётган мамлакат учун ўзига хос долзарблик касб этади. Бугунги кунда жаҳон амалиётида инвестициялар асосан илғор технологияларни жорий этиш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, ресурс тежовчи ва экологик талофати кам бўлган, меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилувчи соҳаларга йўналтирилаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Яна бир муҳим аҳамиятга молик бўлган йўналиш келгуси йилларда мамлакатимизда инвестицион жараёнларни янада жадаллаштириш ва самарадорлигини оширишда қимматли қоғозлар бозори ва лизинг фаолиятини ривожлантириш, уларнинг иқтисодий, айниқса, инвестицион муносабатлардаги ролини ошириш, хусусан, инвестицияларни жалб қилишда уларнинг иштирокини кенгайтириш ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Магистрлик диссертацияси мавзуси доирасида инвестицион жараёнлар ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

– иқтисодий адабиётларда инвестициялар ва уларнинг самарадорлигини ошириш масаласи чуқур тадқиқ қилинган бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этишида инвестициялар бирламчи ва ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб саналади. Умумий ҳолда, инвестиция иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи куч сифатида қиёсланади;

– инвестиция тушунчаси иқтисодиёт учун янги тушунча ҳисобланмай, балки бозор муносабатларининг ривожланиши билан вужудга келган тушунча бўлиб ҳисобланади. Инвестициялар – асосий ва айланма капитални шакллантириш, қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва самарадорлигини таъминлашга, ишчи кучининг малакасини оширишга қилинган капитал сарфларнинг пулда ифодаланишидир. Инвестиция жараёни эса инвестицияга нисбатан кенгрок мазмунга эга бўлиб, инвестициялар фаолиятидаги кетма-кетлик ва муносабатларни ўзида мужассамлаштиради;

– инвестицияларнинг таснифи, уларни молиялаштириш манбалари ва сарфлаш йўналишлари инвестиция муносабатларида муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мамлакатимизда инвестицияларни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш, муқобил манбаларидан фойдаланиш ва шу билан бирга, инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг услубий масалалари изоҳлаб берилди;

– Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари бир қатор қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлиб, уларнинг рағбатлантирувчи хусусиятга эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади;

– мамлакатимизда инвестициялар соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторида янги ва юксак технологияларга асосланган, илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хом ашё ресурсларни чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш, хорижий инвестицияларни узоқ муддатли асосда тўғридан-тўғри шаклда иқтисодиётга жалб қилишни рағбатлантириш, инвестицияларни аниқ мақсадли ва манзилли тарзда жойлаштириш сингари йўналишлар алоҳида ажралиб туриши билан изоҳланади;

– Ўзбекистон иқтисодиётида инвестициялар самарадорлигини таҳлил қилишда бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланишга асосланади;

– мамлакатимизда йилдан-йилга инвестициялар оқимининг кенгайиб бориши яратилаётган қулай инвестиция муҳитининг самараси сифатида изоҳланади;

– ривожланган мамлакатларнинг инвестиция амалиётида инвестицияларни иқтисодиётнинг замонавий ва таянч тармоқларига жалб қилиш, илғор технологияларни татбиқ этиш ва ривожланган менежмент услубларини шакллантириш чоралари билан ажралиб туради;

– мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг янада фаоллашиши бир қатор истикболли йўналишлар, жумладан, қимматли қоғозлар ва лизинг фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқлиги алоҳида ўрин тутди.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестиция жараёнларини янада фаоллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

– инвестицияларни асосан иқтисодиётнинг рақобатдошлигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи соҳаларга йўналтириш, бу борада мамлакатимиз саноатида чуқур қайта ишлаш имкониятига эришиш, илғор техника ва технологияларни кенг татбиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади;

- инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилиш ва самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш;
- хорижий инвестиция ва кредитларни узоқ муддатли ва нисбатан паст фоиз ставкали асосда жалб қилиш;
- мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш ва жозибadorлигини оширишда инвесторлар учун имтиёзли ва рағбатлантирувчи имкониятлар тақдим қилиш, уларнинг фаолият қилиши учун ривожланган инфратузилма соҳаларини шакллантириш;
- иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида йиллик соф фойданинг маълум қисмини реинвестициялаш ҳисобига уларнинг ишлаб чиқариш қувватларини мустаҳкамлаш;
- хорижий инвесторлар учун янада енгиллик яратиш мақсадида улар томонидан олинган фойдани ишлаб чиқаришга қайта йўналтириш шарти билан уларни муайян мажбурий тўлов турларини тўлашдан озод қилиш;
- инвестициялардан самарали фойдаланишда илғор чет эл тажрибаларини татбиқ қилиш чораларини кенгайтириш. Бу борада жаҳон амалиётида инвестициялар асосан илғор технологияларни жорий этиш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, ресурс тежовчи ва экологик талофати кам бўлган, меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилувчи соҳаларга йўналтирилаётганлигига амин бўламиз;
- истиқболда мамлакатимиз иқтисодиётида қимматли қоғозлар ва лизинг фаолиятини янада кенгайтириш ҳисобига инвестиция жараёнларининг янада жадаллашишини таъминлаш;
- иқтисодиётни мавжуд бўш турган нофаол жамғармаларни инвестиция жараёнларига кенг жалб қилиш чораларини кўриш;
- мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини намоён этувчи турли халқаро кўргазмалар, инвестициялар маркетингини ривожлантириш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Президент фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрель.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрель.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. №719-1, 1998 йил 24 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сонли “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 октябрдаги ПҚ-1213-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги ПҚ-1455-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги Қарори.
8. Постановление Президента Республики Узбекистан от 15.12.2010 г. ПП-1442 «О приоритетах развития промышленности Республики Узбекистан в 2011-2015 годах».
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1668-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 мартдаги ПҚ-1725-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19 мартдаги ПҚ-1727-сонли “Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 апрелдаги “Ангрен махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 11 январда 2312-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2011 йил 12 декабрдаги 80, 2011-34, 14-сон қарори билан тасдиқланган “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом”.
15. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2012 йил 30 апрелдаги 6-сонли қарори билан тасдиқланган “Жалб этилаётган чет эл инвестициялари ва кредитлари умумий ҳажмларини шакллантириш бўйича услубий низом”.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари ва маърузалари

16. Каримов И.А. “2012 йил - Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”// “Халқ сўзи” газетаси, №14, 2012 йил 20 январь.
17. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”//Т.:Ўзбекистон, 2011, 440 бет.

18. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” // “Халқ сўзи” газетаси, №22, 2011 йил 22 январь.
19. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”// “Халқ сўзи” газетаси, №220, 2010 йил 13 ноябрь.
20. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”// “Халқ сўзи” газетаси, №21, 2010 йил 30 январь.
21. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.:Ўзбекистон, 2009, 56 бет.

III. Махсус илмий адабиётлар ва ўқув қўлланмалар

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2012. - 282 бет.
23. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа.- Тошкент:Иқтисодиёт, 2011-377 б.
24. Гитман Л.Д., Джонк М.Д. Основы инвестирования» перевод с англ. Москва:Дело-1997 г.

25. Гуртов В.К. “Инвестиционные ресурсы”.- М.:Экзамен, 2002-384 стр.
26. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари.-Т.: Молия-2003 йил, 332 бет.
27. Деева А.И. Инвестиции. Учебное пособие. - М.: Экзамен, 2005.
28. Игонина Л.Л. “Инвестиции”. Учебник 2-е изд. Москва:Магистр-2008 г.
29. Imomov N.N. “Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish”/O’quv qo’llanma. T.:Iqtisod-moliya, 2005, 188 bet.
30. Липсиц И.В., Коссов В.В. «Экономический анализ реальных инвестиций»/Учебник, 3-е изд. перераб. и доп.-М.:Магистр, 2007-383с.
31. Махмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 86-б.
32. Николаев М.А., “Инвестиционная деятельность”. Учеб. пос./М.:Финансы и статистики; Инфра-М-2009, 336 стр
33. Rashidov O.Yu., Qurbonov X.A, Karlibayeva R.X. “Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish”/O’quv qo’llanma. T.:O’zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg’armasi nashriyoti-2005, 128 bet.
34. Сергеев И.В. Веретенникова И.И. “Экономика организаций (предприятий)”, Учебник/под ред. И.В.Сергеева – 3-е изд., перераб. и доп. – М.:ТК Велби, Проспект, 2005 -560 стр.
35. Сухарев О.С., Шманев С.В., Курьянов А.М. “Экономическая оценка инвестиций” Учебно-практическое пособие под редакцией проф. О.С.Сухарева – Москва:Альфа-Пресс. 2008 г. -244 стр.
36. Инвестиции: Учебник/А.Ю.Андрианов, С.В. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. Отв.ред. В.В.Ковалев, В.В.Иванов, В.А.Лялин. -2-е изд. Перераб. и доп.-М.:ТК Велби, Проспект, 2008-584 стр.
37. Шарп У.Ф., Александер Г.Д., Бейли Д.В. “Инвестиции”/перевод с англ. Москва:Инфра-М-1999 г.-1028 стр.
38. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: 2010, 585 бет.

39. Экономическая теория. Экспресс курс: учеб.пос./кол.авторов; под ред. А.Г.Грязновой, Н.Н. Дунной, А.Ю.Юданова. -4-е изд., стер.-М.:КНОРУС, 2008 –608 стр.
40. Царев В.В. “Оценка экономической эффективности инвестиций”. –СПб: Питер, 2004 г. -464 стр.
41. Юлдашев Р.З. Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 208 с.

IV. Диссертация ва диссертация авторефератлари

42. Имомов Х.Х. “Инвестицион муҳитни яхшилаш ва уни жозибадорлигини оширишнинг молиявий асослари”. 08.00.07-“Молия, пул муомаласи ва кредит”. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Тошкент -2011.
43. Кенжаев Н.И. “Инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилишни такомиллаштириш масалалари”. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2011й., 22 бет.
44. Каримқулов Ж.И. “Ўзбекистон иқтисодиётида қимматли қўғозлар бозори ролини ошириш йўллари”. 08.00.07-“Молия, пул муомаласи ва кредит”. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 й.
45. Муминов Б.Ш. “Ўзбекистон иқтисодиётида марказлашган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш йўллари”. 08.00.07-“Молия, пул муомаласи ва кредит”. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 й.

V. Газета ва журналларда чоп қилинган мақолалар

46. Латипова О. “Ўзбекистон фонд бозорида модернизация”. “Биржа” иқтисодий газетаси, №35(1446), 2012 йил 27 март.
47. Тошматов Қ., Жумаев А., “Чет эл инвестициялари қонунчилиги

такомиллаштирилмоқда”. “Биржа” иқтисодий газетаси, №10(1421), 2012 йил 26 январь.

48. Тожиева З. “Кенг мулоқот майдони: қимматли қоғозлар бозорида миллий ва халқаро тажриба алмашув”. “Биржа” иқтисодий газетаси, №40(1451), 2012 йил 7 апрель.
49. “Финансовый форум в расширенном формате”, “Бизнес-вестник Востока” газетаси, №58(1479), 2012 йил 6 апрель.

VI. Статистик тўпламлар

50. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: Статистик тўплам. Т.:”Ўзбекистон” НМИУ, 2011.
51. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2006-2009 йиллардаги асосий кўрсаткичлари.
52. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2010-2011 йиллардаги асосий кўрсаткичлари.

VII. Интернет сайтлари маълумотлари

53. <http://www.mineconomy.uz> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти
54. <http://www.stat.uz> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти
55. <http://www.mf.uz> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти
56. <http://www.mfer.uz> Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги сайти
57. <http://www.lex.uz> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик базаси
58. <http://www.ved.gov.ru/articles>
59. <http://inventure.com.ua/main/analytics/analysis/obzor-mirovogo-rynka-pryamyh-investicii-v-2011-godu>